SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 27-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 24-25 (27.045) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар тузилган бўлиб, улар аҳолига тезкор бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда.

Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташҳис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Шифокорларнинг малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнатини ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда.

Аҳолига, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида:

1. Илғор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташҳис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, махсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббий амалиётида юксак жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;

Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази.

4. Қуйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташҳис усулларини жорий этиш ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илғор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака орттиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;

беморларни даволашнинг ўз илғор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

соҳага алоқадор илғор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг кўламда айрибошлашни таъминлаш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг муассислари ҳисобланадилар;

(Давоми 2-бетда.)



Малика Раҳмонбекова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультети I курсида таҳсил олмоқда. У 5 ёшидан бошлаб расмлар чизади. Мафтункор диёримизнинг ранг-баранг табиати, меҳнатсевар кишилари тасвирини бўёқларда акс эттириш унинг жони дили.

Маликанинг «Ўзбекистон — менинг ватаним» мавзуида чизган расмлари 1995 йили кўпчиликнинг эътиборига тушиб, Президентимиз ёш истеъдоднинг изланишларига муваффақиятлар тилаган эдилар. Унинг «Буюк ипак йўли» доирасидаги ижоди ҳам 1996 йилда муносиб баҳоланди. Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг I ва II даражали дипломлари билан тақдирланган.

Малика хорижий тилларни ўрганишга, хусусан, француз тилига ўзгача меҳр билан қарайди. Айни пайтда у чет эллик тенгдошларининг ҳаёти, илмий салоҳияти, қизиқишларини кузатиб, улар билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда Францияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси маданият маркази директори ўринбосари Жаклин Плесси Маликанинг ижодий фаолияти билан танишиб, унинг ишларига юксак баҳо берди.

Истеъдодли ёш мусаввир Малика Раҳмонбекова 18 баҳорни қаршиламоқда. Унинг орзулари юксак. У ўз асарлари билан жаҳоннинг энг нуфузли кўргазмаларида иштирок этиш ниятида.

✧ ✧ ✧

Суратда: Малика Раҳмонбекова

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадида:

1. Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг 2003 йил март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Республика «Маҳалла» жамғармаси (А.Гадойбоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Ў.Холмуҳамедов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказишга доир аниқ тадбирлар режасини уч кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Режада:

ойликни ўтказиш тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, уй-жой мулкдорлари ширкатларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, ўқув юртларини, шунингдек республиканинг барча аҳолисини кенг жалб этиш;

савдо, умумий овқатланиш объектларида, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва мактабларда, жамоат транспортида, бозорларда, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги ичимлик сув таъминоти манбаларида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан белгиланган тартибда рейдлар ташкил этиш;

кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи ва йўлакларини, ариқлар ва лотокларни, канализация қудуқларини, ахлатларни тўплаш ва ташиб кетиш майдончаларини, болалар ва ўйин майдончаларини тартибга келтириш;

турар жой мавзелари ва маҳаллаларда кўчатлар ўтказиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Бегалиев) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига кўчатларнинг ўз вақтида, зарур миқдорда етказиб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Ниёзматов), Ички ишлар вазирлиги (Б.Субанов) аҳоли ўртасида тозаликка ва санитария маданиятига риоя қилиш масалалари тарғиботини фаоллаштирсинлар, санитария талабларини таъминламаган ташкилотлар, идоралар раҳбарлари ва жисмоний шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтирсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар 2003 йил 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил қилсинлар ва ундан тушган маблағни Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказсинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазраткулов) ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ўтказиладиган ойликнинг боришини кенг ёритсинлар.

7. Ойликни зарур даражада ташкил этиш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б.Д.Субановни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Джумабаевич Субанов — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 февраль

ХДП ХАБАРИ

Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида

2003 йилнинг 26 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Халқаро Муносабатлар Миллий Демократик Институти (АҚШ) дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Вейн Глауб қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тўғрисида сўзлаб берди.

Жаноб Ричард Вейн Глауб жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган Халқаро Муносабатлар Миллий Демократик Институтининг фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида гапирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

Фуқаро: меҳнат, ижтимоий муҳофаза, имтиёз ва таъминот

Диққат, Сиз шу мавзуларда савол берган эдингиз...

Сизларнинг саволларингизга ***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ*** *жавоб беришни эълон қилгандик.*

Шундан сўнг таҳририятимизга аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти, меҳнат шароити ва ҳуқуқ ҳамда имтиёзлари ҳақида, пенсия, нафақа, стипендия, моддий ёрдам, иш стажи, шунингдек, хорижга бориб ишлаш тартиблари сингари турли масалаларда (хатлар ва телефакс орқали) қирққа яқин саволлар, таклифлар, мулоҳазалар келди, ўнлаб қўнғироқлар бўлди.

Бугун улардан энг муҳимларига **вазир** *жавоб беради.*

3-БЕТ

СТРАТЕГИЯ ВА САЛОҲИЯТ

Изланиш, талабчанлик, масъулият

БОР ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ, МЕҲНАТГА ИШТИЁҚ, БУРЧГА САДОҚАТ ВА МАНФААТДОРЛИК ОШАВЕРАДИ

Бундан ўттиз уч йил муқаддам Мирзачўлнинг қоқ ўртасида янгидан ташкил топган 6 та хўжалик базасида Дўстлик тумани пайдо бўлди.

...Боқимандалик авжига чиққан йиллар эмасми, одамлар нима билан шуғулланаётгани раҳбарларни кўп ҳам қизиқтиравермасди. У кун бўйи хоҳлаганча шохмот ўйнаши, «перекур» қилиши, бир кўриниш бериб кейин ишдан кетиб қолиши ҳам мумкин эди. Табелга тушса бўлди эди. Машина устида юк борми, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ, спидометр айланиб турса бас, иш ҳақи ёзилаверарди. Тушунчалар ҳам шунга яраша эди: ўзингникими асра, давлатники бўлса ўғирлик қил, қўлингдан келгунча ўмар, ташиб ол. Режани бажаришинг ҳам шарт эмасди... Ой охирида ведомост ёзилиб, пулидан тегишли чиновникларга «ҳисса» бериб турсанг бўлгани: ўттиз кунда тўлмаган режа бир кунда тўлиб қоларди.

Мустақиллик буларнинг барчасига нуқта қўйди. «Олма пиш, оғзимга туш» пайтлар тугади. Боқимандаликнинг чуви чиқиб, кўрлага қараб оёқ узатадиган замон бошланди.

4-БЕТ

БИЗНЕС БАНК
BUSINESS BANK
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

«Чорвоқ» дам олиш мавсумига ҳозирланмоқда

2001 йилнинг сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг Чимён — Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги махсус қарори қабул қилинган эди.

Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган ҳукумат комиссиясининг йиғилишида ана шу ҳужжатнинг ижроси билан боғлиқ масала атрофлича муҳокама этилди. Унда мазкур соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар, уюшмалар, корхона ҳамда ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Маълумки, Чимён — Чорвоқ минтақаси ўзининг табиий иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун жуда қулай бўлиб, махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бу ерда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Энг аввало, Ғазалкент — Чорвоқ — Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара масканни тоза сақлаш, она-табиат мусаффолигини таъминлашда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳудудда ўтган йилнинг декабрь ойида «Чорвоқ» соғломлаштириш марказининг биринчи навбати фойдаланишга топширилган эди. Бу ерда уч юлдузли уч меҳмонхона, иккита пансионат, кичик станциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси ҳам қурилади. Шу йилнинг январида қуриб фойдаланишга топширилган «Металлург» пансионатида эса «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг юз нафар ишчи-хизматчиси дам олиб қайтди. Шунингдек, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли дам олиш ва соғломлаштириш маркази ҳам битиш арафасида.

Йиғилишда мавсум бошланғунича ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, ёзги меҳмонхона, ёзги кинотеатр, кафе ва ресторанларни, ижара пунктларини фойдаланишга топшириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

«Ташаббус — 2003» ғолиблари

Ҳозир Фарғона вилоятида 21 минг 219 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 29 минг 48 та якка тартибда фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар бор. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турини кўпайтириш, товарлари сотувини йўлга қўйишда «Ташаббус» кўрик-танловларининг алоҳида ўрни бор.

Фарғонада «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоятдаги кичик ва хусусий корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган турли хил маҳсулотлар билан иштирок этди. Танловларда «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича Қиргули туманидаги Ҳ.Қаландаров етакчилигидаги «Мўминжон» фирмаси, ҳунармандлар ўртасида қўқонлик ўймакор уста Абдуғани Абдуллаев, фермерлар орасида эса Ўзбекистон туманидаги Имомали Назаров бошлиқ «Умид» фермер хўжалиги ғолиб, деб топилди. Энди улар республика кўрик-танловларида қатнашадилар.

Ўз мухбиримиз

ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

Қонунга ҳурмат — ривожланиш кафолати

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ФОЗИЛЖОН ОТАХОНОВ БИЛАН СУҲБАТ



— Фозилжон Ҳайдарович, шаҳар хўжалик судига кўплаб аризалар келиб тушади. Тўғрисини айтадиган бўлсак, биз учун энг муҳими, уларнинг қонуний ҳал этилишидир. Шунинг учун ҳам дастлаб ўтган йили келиб тушган даъво аризаларининг қандай ҳал этилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғриси, ҳеч бир суд Тошкент шаҳар хўжалик судидек боши билан ишга кўмилмаган бўлса керак. Эътибор беринг: ўтган йили шаҳар хўжалик судига ҳар бир иш кунида ўртача 60 та ёки жами 15.315 та даъво аризалари, хат ва хабарлар келиб тушган. Суд томонидан ҳар куни ўртача 162 та ҳужжат ёки жами 41490 та ҳал қилув қарорлари, ажримлар, суд буйруқлари, ижро варақалари, хабарномалар, хатлар даъвогар, жавобгар, прокуратура ва бошқа ташкилотларга юборилган. Лекин натижа иш қўламида эмас, албатта, сифатида бўлиши керак.

Ҳисобот даврида ҳал қилинган ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 88 млрд. 48 млн. 379 минг сўм ундириб берилган. 410 та даъво аризалари ва аризалар қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда судга берилганлиги учун суднинг ажрими билан даъвогарларга қайтарилган ёхуд уларни қабул қилиш рад этилган. Бу каби салбий ҳолатларга «Тошсанқурилиш» АЖ, «Совпласттитал» қўшма корхонаси, «Қурилиш изоляцияси» хўжалик бирлашмаси, «Махсустранс» бошқармаси, «Сувсоз» трести, А.Икромов ва Яккасарой туманлари давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган бир қанча аризалар бўйича йўл қўйилаётганлиги ачинарли ҳол бўлиб, мазкур идораларда юридик хизматга етарли даражада эътибор берилмаётганлигини кўрсатмоқда.

— Хўжалик судида кўрилаётган ишларнинг моҳиятига қарайдиган бўлсак, низолар келиб чиқишига асосан нималар сабаб бўлган?

— Президентимиз шартнома тузиш маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш керак, деб таъкидлашларига қарамай, хўжалик судида кўрилаётган ишларнинг кўпчилиги шартнома билан боғлиқ.

Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича — 15 млрд. 376 млн. 883 минг сўм; олиш-сотиш — 729 млн. 389 минг сўм; қарз ва кредит, шу жумладан, банк кредити бўйича — 1 млрд. 379 млн. 990 минг сўм; камомадларни (асосан, пахта, шакар) ундириш бўйича — 27 млн. 845 минг сўм жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига ундириб берилган.

Шартнома шартларини бажармаганлиги учун «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ҳисобидан 849637,81 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги «Астор Ассокатес ЛТД» компанияси ариза берди. Низони кўриб чиқиш жараёнида компания тизимидаги айрим мансабдор шахслар томонидан хўжасизлик ва пул маблағларини беҳуда сарфлаш оқибатида компанияга катта миқдорда зарар етказилганлиги аниқланиб, хусусий ажрим чиқарилган. Ажримда қайд этилган ҳолатлар юзасидан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раисининг ўринбосари Т.Умаровга нисбатан интизомий жавобгарлик чораси қўлланилиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шунингдек, «Тошмахсусплан» АЖ, «Тошкент лок буёқ заводи» АЖ, «Сувсоз» трестидаги низолар бўйича ҳам айбдор ходимлар моддий жавобгарликка тортилганлар.

Низога олиб келаётган иккинчи сабаб тўлов интизоми билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисобкитоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ижроси айрим мансабдор шахслар томонидан суст олиб борилмоқда.

Шаҳар хўжалик суди томонидан даъвогар «СИС» фирмасининг жавобгар «Лок бўёқ таъмин» шўъба хўжалик жамияти ҳисобидан 6.910.396 сўм ундириш тўғрисидаги низо кўриб чиқилди. Шўъба хўжалик жамияти томонидан шартномавий мажбурият тўлиқ бажарилмаганлиги оқибатида муддати ўтган кредиторлик қарзининг вужудга келишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, «Лок бўёқ таъмин» раҳбари ва бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилган. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтишига йўл қўйган «Тошсанкоркурилиш» АЖ, «Оҳангарон-цемент» АЖ, «Тошкентсут» АЖ, «Коском» қўшма корхонасининг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига ҳам тегишли тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилган.

— Баъзан хўжалик суди даъво аризамни қабул қилмади, деган гапларни эшитиб қоламиз. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламаганидек, бу гаплар бежиз бўлмаса керак.

— Бу гапларда асос бор. Қандай «асос» эканлигини сизга айтай. Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси 2002 йил 27 ноябрда ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «OLIMP-MSS» ишлаб чиқариш ширкатининг мол-мулки ҳисобидан 1.874.638 сўм миқдоридаги давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақида суд буйруғи берилишини сўради. Аммо, аризага илова қилинган банк маълумотномаси ва «К-2» қўйилган инкассо топшириқномалари нусхалари умуман бошқа ташкилотга тегишли экан... Хўш, биз нима қилишимиз керак?

Худди шу каби ҳолат Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекциясининг 2002 йил 29 ноябрдаги «Туронмаркази-қурилиш» АЖ мол-мулки ҳисобидан 3.219.542 сўм ундириш тўғрисида суд буйруғи бериш ҳақидаги аризаси бўйича ҳам бўлиб ўтган эди. Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган бир қанча аризаларда ҳам шу каби камчиликларни учратишимиз мумкин. Қаранг, нуфузли идорада шундай ҳолат рўй бераяптики, бу ачинарлидир.

Суд томонидан туман ҳокимликларининг корхоналарни тугатиш ҳақидаги аризалари бўйича ишларни кўриш жараёнида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланмоқда. 2002 йил 12 ноябрда Миробод туман ҳокимлиги ижроия маҳкамасининг 51 аризаси бўйича хўжалик ишларини кўриб чиқишда уларнинг 19 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилинмаган ҳолда тайёрланганлиги маълум бўлди. Ушбу масала юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини кўриш туман ҳокими зиммасига юклатилди.

— Шартнома шартлари бажарилишида раҳбарнинг алоҳида ўрни бор. Адашмасам, бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида Фармон ҳам эълон қилган эди. Шундан кейин қандай ўзгаришлар бўлди?

— Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижроси масаласи ҳам ўтган йил давомида шаҳар хўжалик суди судьяларининг диққат марказида бўлди.

Ҳисобот даврида кўрилган ишлар бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилди, 247 та корхона раҳбари ва бош ҳисобчилари маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 3 миллион 47 минг 745 сўм жарима ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. 75 та мансабдор шахс мулкий жавобгарликка, 81 таси интизомий жавобгарликка тортилди. Ундан ташқари қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш борасида тегишли идораларга 48 та хусусий ажрим ва хабарномалар юборилди. Кўриниб турибдики, мансабдор шахслар томонидан қонунбузилиш ҳолатлари ҳануз учрамоқда.

— Фозилжон Ҳайдарович, корхоналар ўртасида ўзаро олди-бердида, молиявий-иқтисодий муносабатларда юзага келаётган муаммоли низоларнинг камайиши учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз. Ўтган йили бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Бу йилги режалар қандай?

— Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ шаҳар хўжалик суди судьялари ва мутахассислари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида фаол бўлишлари лозим. Озмикўпми иш қилаяпмиз. Судьялар республика оммавий ахборот воситаларида 145 маротаба, жумладан радиода 60 марта ва телевидениеда 39 марта ҳуқуқий мавзулардаги кўрсатувлар ва эшиттиришларда қатнашдилар, газетада 30 та ва журналларда 16 та мақолалар билан чиқдилар.

Бундан ташқари корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳамда тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказмоқдамиз.

Корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларини ўтказиш қонун бузилишларининг олдини олиш, хўжалик низолари сонини камайтириш ва раҳбарлар масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шуни инобатга олиб ўтган давр мобайнида 913 та иш жамоа аъзолари иштирокида сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Бу йил ҳам ўтган йилги ишларимизни, яъни тарғибот-ташвиқот ишларини давом эттирамиз. Хўжалик низоларимиз, қонуний ишлаш иқтисодиёт ривожининг кафолатидир. Қонунга ҳурмат, бу аввало, тараққиёт дегани.

Суҳбатдош: Икром УЛУҒБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади;

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган марказларининг узоғи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзинио ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари фаолиятининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг 1 январига бориб Марказларнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулкини имтиёзли шартлар билан меҳнат жамоасига мулк сифатида сотиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгаши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув органи деб ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

Кенгаш аъзолари ичидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ҳукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

9. Марказларга қуйидаги ҳуқуқ берилсин:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;

лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

10. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;

Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

ташхис ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш қоидалари;

Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;

ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказларининг бюджет маблағларидан, тасдиқланган тарифлардан мақсадли ва қонуний фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилган марказларини даволаш ва ташхис ускуналари, тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, ана шу нормативлар асосида 2003 йилдан бошлаб республика инвестиция дастурларида уларни замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари билан тўлиқ таъминлаш учун зарур капитал маблағлар кўзда тутилсин.

13. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2012 йилнинг 31 декабригача қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йилда амалга ошириладиган тажриба таҳлили натижалари бўйича Марказларнинг норматив базасини, улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 февраль

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

● ***ХДП Қуйичирчиқ ва Й.Охунбобоев туман кенгашлари****нинг пленумларида ташкилий масалалар кўрилди. Уларда (тегишли равишда) С.Алишев ва О.Баҳромов туман партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб сайландилар. Пленумларда Тошкент ҳамда Андижон вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари С.Аъзамов ва М. Исоқовлар сўзга чиқдилар.*

● ***Беруний туман партия кенгаши*** *пленумида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳамда «Обод маҳалла йили» вазифаларининг бажарилишида партия ташкилотларининг иштирокини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Туман кенгаши биринчи котиби Й.Насурлаев ушбу масалалар юзасидан маъруза қилди.*

● ***Партия Қарши туман кенгаши*** *ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Намуна» хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти негизида ХДП Экологик дастурини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказдилар. Унда сўзга чиққан бошланғич партия ташкилоти котиби Б. Очилов, туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ю.Рўзиев ва туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Амирқуловлар табиатни асрашда амалий ишлар билан партиянинг аҳоли ўртасидаги нуфузини ошириш ҳамда «Обод маҳалла йили» дастурини бажариш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.*

● ***Бухоро вилоят, Тошкент, Қувасой шаҳар, Боғот, Кегейли, Уйчи, Хива, Чимбой, Қораўзак туман*** *партия кенгашларида бўлиб ўтган тадбирларда, мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотида иштирок этиш ҳамда ХДП ташкилотлари фаоллигини оширишга қаратилган, масалалар муҳокама қилинди.*

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

● ***Халқобод шаҳар*** *Қумшунгил фуқаролар йиғинида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати А.Асанов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Депутат сайловчилар олдида ўз фаолияти ҳақида ҳисобот берар экан, ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ва қатор жамоат ташкилотлари томонидан Қорақалпоғистон аҳолисига қабул қилинган Мурожаатноманинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.*

● ***ХДП Наманган шаҳар кенгаши*** *партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда «Обод маҳалла йили» дастурини жойларда татбиқ этиш, болалар спортини ривожлантиришнинг амалий чораларини кўриш юзасидан барча маҳалла фуқаролар йиғинларида мулоқотлар ўтказмоқда.*

● ***Чортоқ туман Кенгаши депутати*** *М.Ҳасановнинг сайловчилар билан учрашувида эса «Обод маҳалла йили»да амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр юритилди.*

● ***Қораўзак ва Бухоро туман*** *Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар Ж.Нажимов, Б.Аметбоев, М. Нуржанов, Қ.Хожалепесов, М. Маликов ҳамда И. Тўхлиевлар ҳам жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказдилар.*

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● ***ХДП Қувасой шаҳар кенгаши****да шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими ҳамкорлигида «бир пиёла чой» устидаги «давра суҳбати» ўтказилди. Унга қариялар ва ҳарбий хизматга чақирилиш арафасидаги ёшлар таклиф қилиниб, асосий эътибор ёшларга Ватан олдидаги бурчни адо этиш шарафли эканлигини англатиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга қаратилди. Тадбир сўнгида, партия сафига қабул қилинган ёшларга, партия билетлари топширилди.*

● ***Оққўрғон туман партия кенгаши*** *тумандаги қишлоқ касб-ҳунар коллежи раҳбарияти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти» мавзуида савол-жавоб кечасини ўтказди.*

● ***Партия Наманган туман кенгаши*** *«Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан биргаликда «Аждодлар мероси — бой тарихимизнинг буюк рамзи» мавзуида ёшлар анжуманини ташкил қилди.*

● ***Тўрткўл туман партия кенгаши*** *тумандаги «Наврўз» маҳалласи ҳамда А.Дурлиев, Адаккаев номли ширкат хўжаликлари аҳолиси билан «Обод маҳалла йили» доирасидаги учрашувларни ўтказди. Овул фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари иштирокида ўтган ушбу тадбирларда маҳалла ёшлари тарбияси, тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.*

● *Ана шу мавзудаги учрашув* ***Бухоро туманида****ги «Қавола Маҳмуд» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти негизида ҳам бўлиб ўтди. Унда партия ташкилоти котиби С.Кенжаев «Обод маҳалла йили» дастурининг моҳияти тўғрисида сўзлаб берди.*

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Номига колбаса, номига ёғ...

ЁХУД ФАРҒОНАЛИК АЙРИМ СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ХУСУСИДА

Кейинги пайтларда эълон қилинаётган иқтисодиёт соҳасидаги ҳукумат қарорларида асосий эътибор ўз-ўзини бошқариш органлари, бир сўз билан айтганда, истеъмолчилар фаолиятини жонлантиришга қаратилмоқда. Чунки бугунги шароитда истеъмолчиларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш ҳиссини шакллантирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Ахир, ҳар қандай маҳсулотнинг яратувчиси, ундан фойдаланувчи, баъзан жабр кўрувчи ҳам ўзимиз бўлгач, қачонгача бу борадаги қонунбузарликлар, товламачиликларга нисбатан бепарво бўлиб юраверамиз?

Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан Фарғона вилояти бозорларида, шаҳар ва туман марказларида ҳамда аҳоли гавжум бўлган жойларда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорларида сифати паст, ҳаёт ва соғлиқ учун хавф солувчи маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш юзасидан мунтазам назорат ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудидаги савдо шахобчалари, бозорлар ва ярмаркаларда бир ярим минг маротабага яқин рейдлар ўтказилиб, айрим жисмоний ва юридик шахслар томонидан салкам 51 миллион сўмлик ҳар хил турдаги сифатсиз озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари амалдаги қонунларга зид равишда сотилаётганлиги аниқланди ва давлат фойдасига мусодара қилинди. Ўз навбатида ана шундай назорат ишлари натижасида вилоятда ноқонуний ва яширинча фаолият юритаётган «цех»лар ҳам фош этилмоқда.

Ўтган йил давомида вилоят прокуратураси, ИИБ ва бошқа назорат органларининг бевосита ёрдами туфайли Давлат солиқ идораси ходимлари томонидан вилоят бўйича 150 га яқин яширин ишлаб чиқариш цехлари фаолиятига нуқта қўйилди. Текшириш якунлари бўйича мазкур цехлардан 60 миллион сўмлик маҳсулотлар олиниб, суд идоралари қарорларига асосан давлат фойдасига мусодара қилинди. Масалан, Қува туманида яшовчи Ҳ.Тоиржон яширин фаолият орқали чўнтагига тушаётган мўмайгина даромаддан бир муддат ўзини бахтли ҳис қилиб юрган бўлса, ажабмас. Афсуски, бу «хурсандчилик» узоққа чўзилмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ҳ.Тоиржон ўз хонадонида ҳеч қандай ҳужжатсиз колбаса ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги фош этилди. Махсус рейд давомида унинг кичкинагина «цех»идан етти юз минг сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулотлар ҳамда колбаса тайёрлашга мўлжалланган мосламалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ўзбекистон туманидан Қ.Саломатхоннинг ўз уйида пахта чигитидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида очган яширин цехи ҳам хонадон соҳибасига кутилган фойдани келтирмади. Қўлбола оқ ёғи ўзига доғ бўлиб тушди. Рейд давомида сотиш учун тайёрлаб қўйилган 530 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз, ўсимлик ёғидан айрилгач, бу уддабуронга ҳам ўзича хаёлан хомчўт қилиб юрган жарақ-жарақ пуллар билан хайрлашишга тўғри келди.

Яқинда Фурқат туман прокуратураси ва солиқ инспекцияси ходимлари ҳамкорликда ўтказган текширишда туман ҳудудида яширин фаолият олиб бораётган ширин ёғ цехи ошкор бўлди. Олинган тезкор маълумотлар асосида фуқаро У.Ваҳобжон хонадони кўздан кечирилганда, унинг ҳеч қандай ҳужжатсиз ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда ўз хонадонида «қўлбола» ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётгани маълум бўлди. Текшириш давомида мазкур хонадонда 1360 килограмм пахта чигити ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга мослаштирилган дастгоҳ борлиги аниқланди.

Худди шундай яна бир яширин цех Фарғона шаҳар Жўйдам қишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Дилшод хонадонида фош этилди.

Савол туғилади: чинакам тадбиркорликка ҳеч ким қарши эмас. Аммо сохта тадбиркорлар фаолияти вилоятда нега анча муддат яширин қолди? Нега ўша шахслар яшаган маҳаллалар фаоллари, жамоат назорати гуруҳлари ва посбонлар бу ҳолга бефарқ қараб келдилар?...

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Фуқаро: меҳнат, ижтимоий муҳофаза, имтиёз ва таъминот

ДИҚҚАТ, СИЗ ШУ МАВЗУЛАРДА САВОЛ БЕРГАН ЭДИНГИЗ. УЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИ ОҚИЛЖОН ОБИДОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Ислом КАРИМОВ:

Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади...

Ижтимоий йўналишдаги ўз бозор иқтисодиётимиз йўлини вужудга келтириш — ижтимоий ҳимоялашнинг шунга мос келадиган яхлит тизимини барпо этишни талаб қилади. Бу тизим фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим.

Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ (*«Қорақалпоғистон овози» газетаси бош муҳаррири*):

— Биринчи саволим: бир киши бир вақтнинг ўзида икки иш жойида тўлиқ, бир иш жойида 0,5 ставка, жами 2,5 ставка ишласа, буни меҳнат дафтарчасида қандай расмийлаштириш мумкин? Бу ҳолда меҳнат стажи қандай ҳисобланади? Борди-ю, ўша одам бетоб бўлиб, вақтинча ишга қобилиятсизлиги ҳақидаги бюллетенини учала иш жойига ҳам топширадими? Агар бюллетендан нусха топширса қонуний бўладими? Меҳнатга қобилиятсизлик вақти учун нафақа қай тарзда тўланади?

Иккинчи саволим: меҳнат шартномаси билан ишлаган вақтни меҳнат дафтарчасига туширса бўладими, стажга қўшиладими?

— Қўйилган саволларга бирма-бир жавоб беришга ҳаракат қиламан.

1. Меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 81-моддасида белгилаб берилган. Ушбу моддага асосан ишчи ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида бир неча корхонада ёки бир корхонада бир нечта ишларда банд бўлса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойи бўйича юритилади. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ёки вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилиши мумкин.

2. Меҳнат стажи ишчининг асосий иш жойида меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар асосида, яъни ишда банд бўлган календар кунлари бўйича ҳисобланади. Бунда ставкалар сони ёки ўриндошлик бўйича иш жойлари сони аҳамиятга эга эмас.

3. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тайинлаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сонли рақам билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги» Низом билан белгиланган. Низомнинг 60-бандига биноан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ишчининг асосий иш жойидан тўланади. Бунда нафақа миқдори ишчининг меҳнат дафтарчаси асосида аниқланган меҳнат стажи ва барча иш жойларидаги (шу жумладан, бошқа корхонадаги ёки тадбиркорлик билан шуғулланган) иш ҳақлари асосида белгиланади. Тадбиркорлик билан банд бўлган даврдаги иш ҳақлари унинг Пенсия жамғармасига тўлаган бадаллари асосида махсус тартиб бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Шуҳрат КАРОМОВ (*Қашқадарё вилояти Касби тумани*):

— Кейинги вақтларда ҳукуматимиз шахсий тадбиркорликка катта эътибор бермоқда. Шундан фойдаланиб мен ҳам 2002 йилнинг ёз ойларида вилоят ижтимоий таъминоти ва меҳнат бошқармасига кредит олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилгандим. Кейин бир неча бор аризам юзасидан бошқармадаги мутасадди ўртоқларга учрашдим ҳам. Лекин олти ойдирки, ҳеч қандай натижа йўқ. Аризамнинг оқибати нима бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 3 октябрда 1074-сон ва 2003 йил 3 июнда 1146-сон билан давлат рўйхатига олинган Низомларда белгиланган тартибга асосан тижорат банкларида очилган кредит линиялари орқали шу банклар томонидан берилади.

Ҳудудий меҳнат бошқармалари тадбиркорларнинг кредит олиш юзасидан ёзган аризаларини қондириш ваколатига эга эмас. Шу муносабат билан кредит олиш учун ўрнатилган тартиб асосида тижорат банкларига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

Иттор ШОҒИЁЗОВ (*Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани «Товоқсой» қишлоғи*):

— Умумий иш стажим 42 йилу саккиз ой. Айрим сабабларга кўра, аниқроғи, 1942-1943 йилларда ҳозирги «Тошкенткабель» (собиқ «Средазкабель») заводида ишлаган икки йилу икки ойлик меҳнат стажим қўшилмаган. Таассуфки, корхона ҳам, Давлат архиви ҳам бу ҳақда маълумот беролмади. Сабаби — ўша давр ҳужжатлари сақланмаган эмиш.

Ўзим иккинчи гуруҳ ногирони (справка серияси №464564, 1994 йил 13 июнь) ва меҳнат фахрийсиман. Иш стажимнинг тикланиши учун нима маслаҳат берасиз?

— Меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат — бу меҳнат дафтарчаси. Меҳнат дафтарчаси бўлмаса ёки ундаги ёзувлар хато ва ноаниқ киритилган бўлса, меҳнат стажи бошқа маълумотномалар асосида, яъни буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий ҳисоблар ва рўйхатлар, иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномалари ҳамда иш даврлари тўғрисида маълумотнома бўлган бошқа ҳужжатлар асосида тасдиқланиши мумкин. Агар фуқаронинг ишлаганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат бўлмаса, унинг меҳнат стажи ўша даврда у билан бирга (бир корхонада) ишлаган камида иккита гувоҳнинг кўрсатмаси асосида тикланиши мумкин. Бунда гувоҳлар кўрсатмаси билан меҳнат стажини тиклаётган шахс ўша даврда жамоа хўжалигида ишлаган бўлса — 14 ёшга, бошқа корхонада ишлаган бўлса — 16 ёшга кирган бўлиши лозим.

Юқоридагиларга асосан, агарда Сиз 1942-1943 йилларда 16 ёшда бўлган бўлсангиз ва ўша даврда «Тошкенткабель» корхонасида Сиз билан бирга ишлаган икки ишчи гувоҳлик кўрсатмаси беришга розилик берса, унда яшаш жойингиздаги туман Ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни маслаҳат бераман. Улар белгиланган тартибда меҳнат стажингизни гувоҳлик кўрсатмалари асосида расмийлаштириб, тиклаб беришлари мумкин.

Зоҳиржон АБДУЛЛАЕВ (*Тошкент шаҳри*):

— Кейинги пайтларда мамлакатимизда пенсияга чиқиш муддати эркаклар учун 65, аёллар учун 57-58 ёш қилиб белгиланармиш, деган миш-мишлар тарқалиб қолди. У қай даражада рост ёки қуруқ гап?

*— Бундай миш-миш гапларнинг тагида ҳеч қандай асос йўқ. Бизнинг мамлакатимизда умумий асослардаги ёшга доир пенсия эркаклар — 60 ёшга, аёллар — 55 ёшга етганларида тайинланади. 20 йил соф меҳнат стажига эга бўлган аёллар эса 54 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Қонуни билан айрим касб ва лавозимларда ишлаган фуқароларга ёшидан қатъи назар ва умумбелгиланган ёшни 10 ёки 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган ва ҳозирча буларни ўзгартириш кўзда тутилмаган.*

Улаш ҲОЛИҚОВА (*Қашқадарё вилояти*):

— 1948 йилда туғилганман, ҳеч қаерда ишламаганман. Иккита фарзандим бор. Битта боламга «боқувчисини йўқотганлиги учун» нафақа оламан. 55 ёшга тўлдим, қарилик нафақасига чиқишга ҳақлиманми, йўқми?

— Амалдаги қонунчиликка биноан меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга ёшга доир пенсия тайинланмайди. Шу билан бирга, меҳнатга қобилиятсиз ёки умумбелгиланган пенсия ёшига етган ва меҳнат стажига эга бўлмаган фуқаро боқувчисидан маҳрум бўлганда унга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланиши мумкин. Шунинг учун агар Сизнинг боқувчингиз вафот этган бўлса ва 55 ёшга тўлган бўлсангиз, яшаш жойингиздаги Ижтимоий таъминот бўлимига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш учун ариза билан мурожаат қилишингизни маслаҳат бераман.

Арзайим АБДИРОВА (*Нукус шаҳри*):

— Хорижий кишилар (мигрант)-нинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган ногиронлиги чет элда тан олинадими ва у ногиронлик нафақасини олишда давом эта оладими?

— Жаҳон тажрибасига кўра, бу қўйилган иккала савол давлатлараро икки томонлама ёки кўп томонлама Битимлар асосида ҳал қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари таркибига кирувчи давлатлар билан кўп томонлама ҳамда Озарбайжон, Грузия, Молдова давлатлари билан икки томонлама шу масалага оид Битим имзолаган. Фуқаронинг ногиронлик гуруҳи Ўзбекистонда белгиланган бўлса, мазкур битимларни имзолаган давлатлар ҳудудида қабул қилинади ва улар асосида фуқароларнинг пенсия таъминоти белгилаб берилади.

Бошқа хорижий давлатлар билан, яъни Ўзбекистон бундай битим имзоламаган давлатларда фуқароларнинг пенсия таъминоти ва ногиронлиги ўша давлатнинг тегишли қонунлари билан белгиланади.

Суннатилла ҚИММАТОВ (*Тошкент шаҳри, пенсионер*):

— Мустақиллик йилларида хориждан ташриф буюраётган сайёҳларнинг сафи кенгаяётгани сир эмас. Бу қувончли, албатта. Лекин уларнинг аксарияти кексалар бўлса-да, саёҳатга чиқишга моддий жиҳатдан қодир кишилар эканлиги кўриниб турибди. Шу нуқтаи назардан, бизнинг мамлакатимизда пенсия ёшига етган кексаларнинг шундай сайру саёҳатларга чиқишга қурблари етади, деб айта оласизми? Демоқчиманки, юртимизда ижтимоий ҳимояни жаҳон андозаларига мослаштириш йўлида ўзига хос ислоҳотлар ўтказиш пайти келмадими?

— Ҳар бир давлатда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси шу давлатнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя масаласи мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борадаги барча имкониятларни жалб қилган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

*Масалан, барчага маълумки республикамизда фуқароларга қонунчилик билан белгилаб берилган барча имтиёз ва кафолатларга қўшимча равишда юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида **«Инсон манфаатлари йили», «Оналар ва болалар йили», «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили»** давлат Дастурлари қабул қилиниб, бунинг натижасида катта савобли ишлар, хайрли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.*

Шулардан айримларинигина айтиб ўтадиган бўлсак, 2002 йил давомида кекса-қарияларимиз даволаниб ва дам олишлари учун сиҳатгоҳ ва оромгоҳларга 38 мингга яқин бепул йўлланмалар, муҳтож пенсионер ва ногиронларга 2826 та ногиронлик аравачалари, 7340 та протез-ортопедия маҳсулотлари, 8300 дона ҳасса ва 5300 та қўлтиқтаёқлар билан (100 фоиз), 2000 та эшитиш аппаратлари, кўзойнаклар (100 фоиз) ва ҳоказолар билан таъминландилар. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ҳатто АҚШ, Япония ва бошқа шу сингари ривожланган давлатларда ҳам пенсионерлар соғлиқларини тиклаб, даволанишлари учун сиҳатгоҳларга давлат томонидан ҳеч қандай йўлланмалар ажратилмайди.

Ҳар бир фуқаронинг пенсия миқдори унинг меҳнат стажининг давомийлигига ва ўртача иш ҳақининг юқорилигига боғлиқ. Яъни ҳар бир пенсионер юқорироқ пенсия олмоқчи бўлса, кўпроқ меҳнат стажига ва иш ҳақига эга бўлиши лозим. Хорижга чиқиш масаласига келсак, бу масала ҳар бир шахснинг ўзи ва оиласининг моддий аҳволи — имкониятига боғлиқ.

Есемурод АЙТЖОНОВ (*Нукус шаҳри*):

— Онага боласини 2 ёшга тўлгунча парваришлаш учун бериладиган нафақани тўлашга у ишлаган идора (муассаса, ташкилот)нинг молиявий аҳволи кўтармаса она нафақа пулини қаердан олади? Ушбу нафақани идоранинг 37,3 фоизли ажратмаси ҳисобидан тўласа бўладими?

*— **«Боласи икки ёшга етгунга қадар уни парваришлаш билан банд бўлган ишлаётган оналарга нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомга мувофиқ ушбу нафақа корхонанинг маблағлари ҳисобидан тўланади.*

Мазкур нафақани тўлаш иш берувчининг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи мажбурияти бўлиб ҳисобланади ва корхонада иш ҳақи тўлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан биринчи навбатда қилинадиган ҳисоб-китоблар қаторига киради.

Корхонанинг «маблағ йўқ» деган баҳона билан ишлаётган оналарга юқорида кўрсатиб ўтилган нафақани тўлашдан бош тортиши — амалдаги қонунчиликнинг бузилиши, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 апрелдаги ПФ-1923-сонли Фармонига мувофиқ юридик шахснинг ҳисоб рақамида етарли маблағ бўлмаган ҳолатда биринчи навбатда, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан бир қаторда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи талаблар бўйича ҳисоб-китоб қилиниши зарур. Бундай корхонада биринчи навбатдаги тўловлар, жумладан мазкур нафақа тўлиқ тўланмагунча унинг бошқа барча ҳисоб-китоблари банк томонидан тўхтатиб қўйилади.

Шундай қилиб, амалдаги қонунчиликда корхоналарнинг молиявий аҳволи танг бўлиб қолган шароитда ҳам бу нафақани тўлашнинг ишончли механизми кўзда тутилган.

Бу нафақаларни Пенсия жамғармасига корхоналар томонидан тўланадиган 37,3 фоизли (2003 йилдан бошлаб 35 фоизли) мажбурий бадаллар ҳисобидан тўлаш эса қонунчиликда кўзда тутилмаган.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ (*Сурхондарё вилояти, Узун тумани Б.Очилдиев номли жамоа хўжалиги*):

— Маълумотим олий, мутахассислигим — Дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технолог-мухандиси. Институтни битиргач, 2002 йилгача ҳарбий хизматда бўлдим. Бир йилдан ошдики, мутахассислигим бўйича бирор жойга ишга жойлаша олмаяпман, меҳнат биржаси ҳам ёрдам беролмаяпти. Уч нафар фарзандим бор, ота-онам пенсионер, уларнинг ҳисобига яшаб турибмиз. Нима маслаҳат берасиз?

— Ҳамон Сиз ҳоҳлаган ишни тополмаётган, маълумотингиз ва мутахассислигингиз бўйича ишга жойлаша олмаган бўлсангиз мен Сизга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тавсия қиламан. Чунки бугунги кунда республикада хусусий тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар бериш тажрибаси кенг ривожланиб бормоқда. Юртимизда яратилаётган ана шу имкониятлардан кенг ва оқилона фойдаланган ҳолда оилавий тадбиркорлик ёки шахсий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланинг. Бунинг учун Сиз ўзингиз яшовчи ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва тижорат банкига ўрнатилган тартибда мурожаат қилишингиз керак.

Берилаётган тавсиялар Сизга тўғри келмаса, у ҳолда туман меҳнат бўлими орқали касбга қайта ўқишни маслаҳат бераман. Қайта ўқишни тамомлагандан сўнг ҳудудингиздаги меҳнат бозорида юқори талабга эга бўлган янги касбни эгаллашингиз мумкин ва меҳнат органлари янги касб бўйича Сизнинг ишга жойлашишингизга кўмаклашади.

Одилжон ИСҲОҚОВ (*Тошкент шаҳри, Самарқанд дарвоза кўчаси, 103-уй*):

— Менинг иккита саволим бор: биринчиси — II гуруҳ ногирониман. Шаҳар жамоат транспортида 50 фоизли йўл чиптаси билан юришим мумкинми, йўқми?

Иккинчиси — турмуш ўртоғим 30 йилдан кўпроқ тиббий ҳамшира бўлиб ишлайди. У сув, газ, электр энергияси тўловлари борасида қандай имтиёзларга эга?

— Биринчи савол бўйича: Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер ва ногиронлар жамоат транспортида юриш учун ойлик йўл карточкаларини 50 фоизга арзонлаштирилган имтиёзли нархда сотиб олиш ҳуқуқига эгалар.

*Иккинчи саволингизга келсак, бу имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги **«Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»**ги Фармони билан тартибга солинган ва бу тартиб ҳозирча ўз кучини йўқотгани йўқ. Жумладан, фақат ишчилар шаҳарчалари ва қишлоқ жойларида яшаётган ва ишлаётган ўрта тиббий ходимларга ҳамда ишчилар шаҳарчалари ва қишлоқ жойларида ўрта тиббий ходим сифатида камида 10 йил ишлаб, пенсияга чиққан фуқаролар учун коммунал хизмат тўловлари бўйича имтиёзлар берилган. Сиз ва турмуш ўртоғингиз Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётганлигингиз учун бу имтиёз афсуски, тааллуқли эмас.*

Шаҳло БЎРИЕВА (*Қўқон шаҳри, ўқувчи*):

— Дадам — Абдураҳмон Бўриев 43 ёшда. Шу вақтгача поездда проводник бўлиб ишлаган. Энди эса Жанубий Кореяга бориб ишлаб келмоқчи. Бунинг учун қаерларга мурожаат қилмоғи керак? Мурожаат қилганидан сўнг қанча муддат ичида Кореяга жўнайди? Яна бир савол. Акам 17 ёшда, паспорт олган, ўрта мактабни тугатган. У Жанубий Кореяга бориб ишлаши мумкинми?

— Корея Республикасида қабул қилинган ишчи кучини олиб кириш ва ундан фойдаланишнинг янги тартибига мувофиқ ва Жанубий Кореянинг манфаатдор вазирликлари, идоралари ва компаниялари томонидан қўйилган шартларга кўра Корея Республикасига касб-ҳунар ўрганиш ва ишлаш учун юбориладиган номзодлар қуйидаги ёшлар оралиғида бўлиши лозим:

— кичик ва ўрта бизнес соҳаси корхоналарида ишлаш учун — 25-35 ёш;

— қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида ишлаш учун — 25-40 ёш;

— қурилиш ташкилотларида ишлаш учун — 25-35 ёш.

Абдураҳмон Бўриев (43 ёшда) ва унинг ўғли (17 ёшда) хорижга касб ўрганиш ва ишга юбориш учун номзод сифатида рўйхатга олингани билан, афсуски, юқорида баён қилинган шартларга кўра уларни Жанубий Кореяга юбориш имконияти йўқ.

Хорижга касб ўрганиш ва ишлаш учун боришга оид барча саволлар бўйича Фарғона вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Турсунбой АЛИМБЕТОВ, Ботир АЛИМБЕТОВ, Муҳаббат ҚОСИМОВА, Алик АЛЛАСУГУРОВ (*Нукус шаҳри*):

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигининг Қорақалпоғистондаги вакили ўтган 2002 йилнинг март ойида бизни Жанубий Кореяга ишга юборамиз деб, икки маротаба Тошкентга, тўрт маротаба Бухорога олиб борди. Аммо, шу кунгача ҳам кета олмаяпмиз. Жуда кўп харажатлар кетди, лекин ҳалигача натижа йўқ. Масаламиз қачон ҳал бўлади?

— Юқорида айтиб ўтилган Корея Республикасига қабул қилинган ишчи кучини олиб кириш ва ундан фойдаланишнинг янги тартибига асосан Тошкент ва Бухоро шаҳарларида фақат бир марта 2002 йилнинг 30 май ва 2 июнь кунлари Корея Кичик ва Ўрта Бизнес Федерацияси (ККЎБФ) вакиллари иштирокида корейс тилидан тест синовлари ўтказилди. Мазкур тест синови натижалари «Мулкдор» газетасининг 2002 йил 26 июлдаги 29-30-сонларида эълон қилинди. Тест синовидан ўтган номзодларга Кореядаги иш берувчилар томонидан шахсан (персонал) чақириқ қоғози навбатма-навбат йўлланиб, шу кунга қадар уларнинг кўпчилиги Жанубий Кореяга юборилди. Синовдан ўта олмаган номзодлар эса ихтиёрий равишда қайтадан синовларда қатнашишлари мумкин.

Саҳифани тайёрлаганлар:
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Илҳом КАРОМОВ,
Умид САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

● БОЛАЛАР СПОРТИ

Бўлажак чемпионлар синови

Бугун болалар спортига қанчалик эътибор қаратсак, эртага ютуқларимиз шунчалик залворли бўлади. Энг муҳими, фарзандларимиз соғлом ўсади, улар орасидан кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқади.

Пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида кураш бўйича 1988-1989 йилларда туғилган қизлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги ҳам айнан шундай улуғ мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 400 нафарга яқин ўғил-қиз гиламга чиқди. Муросасиз ва кескин ўтган беллашувларда Самарқанд, Наманган, Хоразм, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятларидан ташриф буюрган ёш полвонлар мусобақага пухта ҳозирлик билан келганликларини намойиш этишди.

✧✧✧

Суратда:
мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Профессионал армия сари

Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласини ўқиб...

Миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар тарихининг қисқа, аммо сермазмун йўлига назар ташлайдиган бўлсак, Қуролли Кучларимиз тизимлари таркибининг сифатини яхшилаш, такомиллаштириш ҳақидаги мулоҳаза, йўл-йўриқ ва бу борада кўрсатилаётган доимий ғамхўрликларни кўрамиз.

Халқимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлариданоқ, миллий армияни ташкил этиш масалалари муҳим бўлиб, 1991 йилнинг 6 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1991 йил 25 октябрда эса республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди.

1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳаётида яна бир тарихий воқеа содир бўлди. Айнан мана шу куни республикамиз ҳудудида жойлашган Қуролли Кучларнинг барча тизимлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Шундан буён бу кун «Ватан ҳимоячилари куни» сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Президентимизнинг миллий армия фаолиятига бағишланган рисоласида олға сурилган концепциялар, фикрларни ўқиб, ҳарбий мутахассис сифатида ўзимга катта хулоса чиқардим.

Президентимизнинг ушбу рисоласи ва бундан олдинги қатор чиқишларида миллий армияни босқичма-босқич ислоҳ қилиш масалалари кўтарилиб келинмоқдаки, бу саъй-ҳаракатлар ҳаётда ўз ижросини топмоқда.

Айниқса, Юртбошимизнинг ***«Юртимизда ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир, ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантиришдир.***

Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларида армиянинг нуфузини янада ошириш, ундаги хизмат сифатини юқори поғонага кўтариш учун ҳарбий хизматни босқичма-босқич шартнома асосига ўтказиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда қўшинларда шахсий таркибни кийим-кечаклар, озиқ-овқат, автоуловлар, компьютер техникаси билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Аскарларимиз ётоқхоналари, ҳарбий шаҳарчалар ҳудудлари шу куннинг талаблари даражасида таъмирланмоқда ва ободонлаштирилмоқда.

Айниқса, ҳарбийларнинг турли машқларни ўтказишлари, тажриба ва билимларини ошириб боришлари учун майдонлар, ўқув хоналари қайтадан, замонавий усулда жиҳозланмоқда.

Бугунги кунда Қоровул қўшинлари шахсий таркиби миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотларни шу кун талаблари даражасида, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони илгари сураётган фикрлар, талаб ва ***армияни шакллантириш, ҳарбий хизматни том маънода шон-шараф ишига айлантириш, ана шу мақсадда Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтириш»*** *масалалари хусусидаги фикрлари Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда ниҳоятда муҳимлигини англадим.*

Бу фикрлар Қуролли Кучларнинг таркибий бир қисми бўлган Қоровул қўшинлари шахсий таркиби хизмат фаолиятига ҳам тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 мартдаги қарорига биноан ташкил этилган. Ўтган қисқа давр ичида қўшинлар штат-ташкилий тизимида қатор ўзгаришлар содир бўлдики, бунинг барчасидан кутилган мақсад — қўшинларни бошқаришда ва хизматни ташкил этишда қулайликларга эга бўлиш, Президентимиз айтмоқчи ихчам ва ҳаракатчан замонавий армияни шакллантиришдир.

Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларида армиянинг нуқўрсатмалар асосида олиб бориш учун бор куч ва имкониятларини сарфламоқдалар.

Биз бугунги кунда Қоровул қўшинлари сафларида хизмат вазифаларини виждонан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлаётган М.Фозилов, А.Рауясов, В.Непомнящих, Ў.Икромов, В.Бударников, М.Худаёров, М.Ҳалимзода, Г.Бобоев, А.Анорбаев, Б.Мирзаев, Х.Абдуқаюмов, А.Ҳолиқов, Ф.Гулназаров каби офицерларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қоровул қўшинлари шахсий таркибига ўрнак бўлаётган бундай ҳарбийлар ҳақида фикр юритганимизда Юртбошимизнинг ***«Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақлзаковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим»,*** *— деган сўзларини ёдимизга тушади.*

Президентимиз ушбу китобида янги миллий армиямизнинг эски армиядан фарқи ҳақида гапирар эканлар қуйидаги фикрни билдиради.

«Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Қуролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим».



Дарҳақиқат, миллий армиямиз халқимиз учун том маънодаги ғурур-ифтихор манбаи, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда миллий армияга билдирилаётган ишонч, унинг такомиллашуви ва ривожланиши учун жиддий ишлар қилинаётган экан, бу Қоровул қўшинлари шахсий таркибидан ҳам хизматни доимо сергак, жасур ва ҳушёрлик билан олиб боришларини тақозо этади.

Миллий армиямиз тизимларида олиб борилаётган ислоҳотлар жадал суръатлар билан кетаётган бир даврда нашр этилган ушбу рисола ўзининг теран мазмуни, тарихий далилларга бойлиги билан биз ҳарбийлар учун дастуруламалдир.

Нодиржон СУЛЕЙМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник.

● СТРАТЕГИЯ ВА САЛОҲИЯТ

Изланиш, талабчанлик, масъулият

БОР ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ, МЕҲНАТГА ИШТИЁҚ, БУРЧГА САДОҚАТ ВА МАНФААТДОРЛИК ОШАВЕРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Вақт — олий ҳакам. Мавриди билан ҳамма нарса ўз ўрнига тушаркан. 1999 йилнинг феврал ойида Халқ депутатлари Дўстлик туман кенгашида Жиззах вилоят ҳокимининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Сайфиддин Исмоилов туманга ҳоким этиб сайланди. Лекин бу пайтга келиб, туман иқтисодиёти «қўналғаси»га қўниб бўлганди. Тўқсон саккизинчи йил таҳлилига кўра, 14 та хўжаликнинг биронтасида ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлатга сотиш шартнома-режалари бажарилмади. Пахта ҳосилдорлиги туман бўйича гектарига 11, айрим хўжаликларда 4 центнерни ташкил этди, холос. Чорва фермалари ва қурилиш ташкилотлари қаёққадир «ғойиб» бўлганди. Уйлар, мактаблар, болалар боғчалари бинолари таъмирталаб, аҳоли пунктларида санитария-гигиена ҳолатлари чидаб бўлмас даражада ва ҳоказо.

Ўша йилиёқ туман хўжаликлари санацияга тушдию, молиявий-иқтисодий даражаларда ўзгариш сезилди. 1999 йил охирига келиб, туман 1998 йилдаги 19 минг тонна ўрнига 40 минг тоннадан зиёдроқ пахта етиштирди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан 2 миллиард сўмдан кўпроқ даромад кўрилди.

Момолар «бўсағанга тумор ос, хосияти кўп» дейишади. Дарвоқе, фаришталар ҳам тоза жойга қўнаркан. Иш туман дарвозаси — бўсағасидан бошланди. Тошкент-Термиз йўлининг туман чегарасидан ўтган қисми қаровсиз қолганди. Илма-тешик бетон ариқлар ва экинзордан қочган сув йўл ёқаларини кўллатиб, теварак-атрофни балчиқ босганди. Ёнтоқ, қамиш ва онда-сонда қуриб қолган дов-дарахтларнинг сўппайиб туриши ўтган-кетганларда нохуш таассурот қолдирарди.

Туман ташкилотлари ва хўжаликларининг барча техника ҳамда ишчи кучларига сафарбарлик эълон қилинди: Ҳамма ҳашарга! Қўллаган хандаклар тупроққа тўлғазилди ва тол, терак кўчатлари ўтқазилди. Қулаган ва синган бетон ариқлар таъмирланди. Қарабсизки, кўчатлар баравж ўсиб, «олтин камар» дея ном олган катта йўл — трасса ҳуснига ҳусн қўшилди.

Трассадан туманга қараб бурилишдаги биринчи қишлоққа «Истиқлол» номи берилди. Аҳоли яна ҳашарга кўтарилди. Ташландиқлар тозаланди, уйжойлар, дарахтзорлар тартибга келтирилди. Қишлоққа кираверишда «Истиқлол» боғи барпо этилди. Боғ ўртасида қишлоқ фуқаролар йиғинининг биноси қад кўтарди. Одамларда кайфият, ишга муносабат тубдан ўзгарди. Туман марказида ва бешта қишлоқда янги гузарлар қурилиб, ёшу кексаларнинг севимли жойига айлантирилди. «Наврўз» гузарида ҳар йили ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш анъанага айланди.

Шундан сўнг туман марказидан «Наврўз» қишлоғигача қарийб 11 километр масофага газ қувурлари ҳам ётқизилди. Барча мактаблар, болалар боғчалари, тўла таъмирланиб, томлари шиферланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун 7 та таянч пунктлари очилди. 3 та янги мактаб биноси, агроколлеж, ёғмой заводи, «Хотира боғи» сингари объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Тиббий коллежга қўшимча ўқув корпуслари, ётоқхоналар бунёд этилди. Талабаларнинг ўқиш ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Марказий деҳқон бозори Чехия русуми асосида янгиланди. Россия тадбиркорлари билан ҳамкорликда йирик «Мусаллас» заводи қурилиши бугунги кунда жадал давом этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар меваси янада қувончли бўлди: фермер хўжаликлари сони 1998 йилги 250 тадан 1000 тага етди. Уларни ташкил этиш ва ер ажратиш ишлари танлов асосида бажариладиган бўлди. Айни пайтда фермерлар ўртасида рақобат ҳам бошланди. 2002 йил якунлари бўйича 26 та фермер хўжаликларидан ер қайтариб олиниб, тендерга қўйилди. Масъулият ва ишончни ҳис қилиш, ҳисоб-китоб юмушлари яхшиланди. Шартномадан ортиқча етиштирилган ғалла деҳқонларнинг ўзларида қолдирилиб, уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

— Ҳали туманимиз халқ хўжалигининг ривожи йўлида қиладиган, кўзлаган ишларимиз, марраларимиз кўп, — дейди ҳоким. — Масалан, пахта тозалаш, ғалла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари, таъминот ҳамда сервис ташкилотларини хусусийлаштириш пайти келди. Биласиз, ерларнинг шўрланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг олди олинмаса, унумдор ерлардан ажралиб қолиб, экологик вазиятимиз ёмонлашади. Шунинг учун давлат йўли билан экин майдонларининг ирригация-мелиорация ҳолатларини яхшилаш мақсадида ихтисослашган трестлар ташкил этиш ниятимиз бор.

Пахта бор экан, уни қайта ишловчи, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам бўлиши керак. Бу корхоналар ўзларининг хомашё базаси бўлмиш пахтачилик хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга баҳоли қудрат ёрдам бериб турсалар, хўжаликлар ҳам ўзларини тезроқ ўнглаб олган бўларди. Қолаверса, бундан иккала тараф ҳам фойда кўриши аниқ. Юртбошимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилгани айни муддао бўлди. Ҳолбуки, маҳаллаларни обод қилиш — ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Туманимизда бу борада аниқ тадбирлар тузилиб, кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, йўлларни таъмирлашга 60 миллион сўм маблағ ажратилди, бу ўтган йилгига нисбатан олти баробар кўп. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳолига маданий-маиший, савдо. медицина, транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, спорт заллари, майдончалари, стадионларни таъмирлаш, болалар спортини ривожлантириш — ҳокимликнинг доимий диққат марказида. Уларнинг бир қисмига маблағ ажратиш, бир қисмини эса ҳашар йўллари билан амалга оширмоқчимиз...

Ҳоким сўзларини тинглар эканмиз, Президентимизнинг яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида айтган бир сўзи ёдимизда келди: ***«Барчамиз оддий бир ҳолатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади».***

...Бир меъёрда ишлаётган корхоналар, мовий денгиздек мавжланган кўм-кўк ғаллазорлар ва чигит экишга тахт кенг пахта майдонларини кўриб қувонасиз. Буларнинг барчаси ислоҳотлар стратегияси ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида Дўстлик тумани меҳнаткашларида келажакка ишонч ҳамда саодат иштиёқини уйғотмоқда.

Омон ҚУВВАТОВ, «Нуроний» жамғармаси Жиззах вилояти Дўстлик туман бўлимининг раиси

«Бухоромебель»нинг янги маҳсулотлари

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга маҳкам бел боғланган «Бухоромебель» ҳиссадорлик жамияти жамоаси айни кунларда маҳсулот турларини кўпайтириш тадоригини кўрди. Бу билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури яна 14 тага кўпайди. Айни кунларда корхонада икки хилдаги теннис столи, баскетбол, гимнастика воситалари, нарвон, брус каби спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса вилоятда болалар спорти анжомларига бўлган талабни тўлдиришга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«МИРОБОД БОЗОРИ» ОАЖ

акциядорларининг 2003 йил 5 мартдаги умумий мажлиси кун тартибига қўшимча масалалар киритилди:

1. Жамиятнинг Низом жамғармасини ошириш ҳақида.
2. Жамият Бошқарув раисини сайлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг 2003 йилга иш режаси (бизнес план)ни тасдиқлаш ҳақида.
4. Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

● ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Истеъмолчи ва унинг ҳуқуқий маданияти

ЁХУД ФУҚАРОЛАР БУ БОРАДА ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ БИЛАДИЛАРМИ?!

Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг фаолияти фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган. Дарвоқе, мамлакатимиз Конституциясининг 53-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бораётган мазкур ташкилот сўнгги пайтларда истеъмолчилар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Федерация раиси Зуҳра САЙДАМИНОВА билан қилган суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Зуҳра Аъзамовна, айтингчи, федерация фаолиятини фуқаролар қандай қабул қилишмоқда?

— Сир эмас, айрим фуқароларимиз бундай ташкилот борлиги ва унинг вазифаси нималардан иборат эканлигини ҳали-ҳануз тўла билишмайди. Беш йиллик фаолиятимиз давомида кўплаб фуқароларимиз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларидан бехабар эканлиги ва кези келганда қонунларимиз ҳимоясидан етарли фойдаланмаётганликларига гувоҳ бўлдик. Ҳатто, баъзи ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идора ва органлар ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун борлиги ва бу Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда барча турдаги тўловлардан озод эканлиги ҳақидаги имтиёздан бехабарликларидан ажабландик. Айрим вилоятларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг вазифаси — фақат савдо соҳасидагина текширув ишлари амалга оширадиган назорат ташкилоти деган фикр йўқ эмас. Шу боисдан ҳам энг аввало бу борада одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни керакли ахборотлар билан мунтазам таништириб бориш — бизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири, деб ўйлайман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, истеъмолчи нафақат савдо соҳасида, балки барча тармоқларда ва барча йўналишда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга ҳақли. Фуқароларимиз ҳуқуқлари поймол этиладиган бўлса, дарҳол федерация ва унинг жойлардаги бирлашма ва таянч пунктларига ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

— Кечирасиз, истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол этилиши асосан қайси соҳаларда кўпроқ намоён бўлаяпти?

— Барчага маълум, кейинги кезларда, айниқса, мамлакатимиз ички бозорларига ноконуний йўллар билан олиб келинган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол молларидан кўпроқ истеъмолчилар жабр кўрмоқдалар. Масалан, лаборатория текширувлари жараёнида чиройли қадоқланган туз маҳсулоти ҳашаротларга қарши заҳар эканлиги исботланди. Соч ювиш учун ишлатиладиган шампун эса кир ювиш воситаси бўлиб чиқди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунингдек, сохта дори-дармонларнинг сотилаётганлиги жуда ташвишли. Тиббиёт, транспорт, уй-жой коммунал хизматлари даражаси пастлиги ва улардаги мавжуд камчиликлар аҳоли ўртасида шубҳасиз норозилик кайфиятларини туғдирмоқда. Масалан, «Стомасервис» хусусий тиш клиникасида йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ҳақидаги даъволар яқинда суд органлари томонидан истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, клиникадан уларга 4,5 миллион сўм маблағ қайтариб берилди. 2000-2002 йиллар давомида тармоқлар бўйича фуқаролар фойдасига 97 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар ундирилди. Тўғри, бу — мамлакат миқёсида унча катта маблағ эмас. Лекин ҳалол меҳнат билан пул топаётган фуқаролар учун ҳар бир сўм қадрли эканлигини унутмаслигимиз лозим.

— Кейинги пайтларда республика Уй-жой жамғарма банк тизимида йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан федерация номига жуда кўп шикоятлар, эътирозлар тушяпти деб эшитдик...

— Тўғри, коммунал хизматда иссиқлик манбаи, электр энергеяси, лифт, шунингдек, кўп қаватли уйлар учун бюджет ҳисобидан ажратилган катта миқдордаги маблағлар самарали ишлатилмаётганлиги тўғрисида кўплаб даъво аризалари олаяпмиз.

Афсуски, ҳали қатор соҳаларда қонунбузарлик ҳолларига нисбатан тегишли чоралар қўллаш имконияти бўлмаяпти. Чунки, уларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини таъминловчи меъёрий ҳужжатлар ҳануз ишлаб чиқилмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда жорий йилга мўлжалланган махсус дастурни ҳам яқиндагина ишлаб чиқдик. Уяли телефонлар, Интернет, провайдер, компьютер, маиший техника, туризм, шахсий такси, болалар муассасалари, темир йўл, авиация, таъмир хизматлари сингари кўплаб йўналишларда пуллик хизмат қоидалари, норматив ва меъёрий ҳужжатлар, стандартлашган талаблар, ҳақ тўлашнинг тўлов ҳамда ҳисобот ҳужжатлари жорий қилинганича йўқ

Яна бир долзарб муаммо. Иқтисодий соҳада истеъмолчилар учун мўлжалланган бетараф экспертиза жараёнлари ҳам ташкил этилмаган. Истеъмолчи моғорлаган унни, ҳидланган гўштни, тухум, колбаса, пишлоқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, дори-дармон воситаларини, даволаш муолажалари ва ташҳис услубларини экспертиза қилиш имкониятига эга эмас. Бозорларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат. Бу борада «Ўзстандарт» агентлиги билан баҳамжиҳат халқаро грантлар асосида истеъмолчилар учун тўрли соҳаларда бетараф экспертизалар ва кўчма экспресслабораториялар барпо этишни кўзлаб турибмиз.

Қонуншунос мутахассислар, олимлар билан биргаликда кенг кўламли ишлар олиб бориб, уй-жой коммунал хизматларида эксперт гуруҳининг тузилганлиги мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги илк қадам бўлди. Масалан, ЮСАИДнинг Евросиё жамғармаси ва Глобал лойиҳа ташкилотининг моддий кўмагида уй-жой мулкдорлари ширкатларига ўқув воситалари қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламларини чоп этдик. Шунингдек, бу йўналишда АҚШнинг дунёга машҳур Урбан институти билан ўрнатган ҳамкорлигимиз ҳам самарали натижалар бермоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА суҳбатлашди.

● ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Халқ банки — ҳар бир оила банки

БЎЛИБ ҚОЛМОҒИ КЕРАК! ЖАМОАМИЗ ШИОРИ ШУНДАЙ. ШУНГА ЯРАША ИШЛАЯПМИЗ ҲАМ, — ДЕЙДИ ХАЛҚ БАНКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ АСАН АЛЖАНОВ.

— Жамоамиз иқтисодий ислоҳотларни жадал ривожлантириш ва тадбиркорларга мадад бериш борасида доимо олдинги сафда бўлиш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Аҳоли билан ишлаш борасидаги тарихий анъаналарни давом эттириб, одамларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш йўлида амалга оширилаётган ишларимиз ҳақида ҳозир бироз бўлсада айтиб ўтмасам, инсофдан бўлмас.

Бошқармамиз фаолияти қабул қилинган бизнес-режа ва бюджетини ижро этишга, банкнинг ликвидлилик ва фойдалилик даражасини оширишга ҳамда унинг фаолиятини тобора универсаллаштиришга қаратилган. Шунингдек, мижозлар ва омонатчилар манфаатларини бирламчи назарда тутган ҳолда хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларида фаол иштирок этиш — ҳар бир ходиму ходималаримиз бурчига айланган. Хусусан, 2001 ва 2002 йиллар давомида иқтисодиётнинг реал сектори, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳолининг турли қатламларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг ўрин берилди. Жумладан, 2001 йил 1 январь ҳолатига кредит қўйилмалари қолдиғи 105,5 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, йил давомида йил бошига нисбатан 7,7 баробарга ортиб, 2002 йил 1 январь ҳолатига келиб жами кредит қўйилмалари 813,6 миллион сўмни ташкил этди. Жами кредит қўйилмаларининг 31,3 фоизини ёки 254,7 миллион сўмини кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ташкил этди.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига кўра талаба ва ўқувчиларга бевосита молиявий кўмак бериш, ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган давр ичида 218 талабага «Абитуриент», «Талаба», «Таҳсил» каби имтиёзли таълим кредитлари ажратилди. Уларнинг ҳажми 36,8 миллион сўмгача борди. Биргина коллежларни қайта таъмирлаш ишларининг ўзига 97,0 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

— Кредитлар портфели катта шекилли?

— Ёмонмас. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника воситаларини кузги йиғимтерим мавсумига тайёрлаш ва уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш юмушлари 59,7 миллион сўм миқдорида кредит талаб қилди. Ёки Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқарувининг 2002 йил 17 июндаги қарори билан тасдиқланган «Автокредит омонати муомаласини юргизиш ва енгил автомобиль харид қилиш учун ўрта муддатли кредит беришни ташкил қилиш» тартибига кўра йил давомида 368,3 миллион сўм кредит беришга тўғри келди. Ўтган йили хўжалик субъектларига факторинг хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Йил давомида унинг ҳажми 130,0 миллион сўмга етди. Қатъий кредит сиёсати ва мониторингнинг изчил амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан муддати ўтган кредитлар ҳозирча йўқ.

— Банк бўлимлари ва шахобчаларининг фаолияти ҳамда омонат турлари ҳақида ҳам...

— Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Халқ банкининг 17 та туман (шаҳар) бўлимлари ва 166 та шахобчалари хизмат қилмоқда. Ўтган йили хабарингиз бўлса Халқ банки аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш ва хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда сифатини ошириш, энг муҳими — фуқаролар омонатларининг бут сақланиши давлат томонидан кафолатланишида ғолиб чиққан ягона банк бўлди.

Чунки, банкларимизда ҳисоб рақамлари бўйича аҳолининг муддатли омонатлари қолдиғининг доимий ўсиб боришини таъминлаш йўлида изчил амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, «Автокредит» «Фахрий», «Сармоя плюс» «Тадбиркор», «Тантана», «Ассалом янги йил» сингари янги-янги муддатли ва ютуқли омонат турлари жорий қилиниб, уларга йил давомида 202868,3 минг сўмдан зиёд маблағ жалб этилди. Жами омонатлар 552130,2 минг сўмга етди. Омонат қолдиғи жорий йил 1 январь ҳолатига кўра 1460819,6 минг сўмни ташкил этди. Бу 2001 йилга нисбатан 552130,2 минг сўмга кўп демак. Йил давомида 146776 дан ортиқ «Индексация» шахсий ҳисоб варақлари эгаларига омонат қолдиғининг 70 фоизи, яъни 205124,5 минг сўм миқдоридаги пул маблағлари тўланди. Масаланинг моҳияти шундаки, аҳолининг банкдаги жамғармалари энг аввало уларнинг ўзларига фойда келтирмоқда. Қолаверса, ҳар бир омонатчи ўз навбатида халқ хўжалигининг ҳақиқий маънодаги инвестори ҳамдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ банки бўлимларининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида кредит портфели ҳажмини кўпайтириб, улардан ва бошқа банк хизматларидан олинган даромад ҳисобидан 2002 йил 1002,2 минг сўм соф фойда билан якунланди. Касса кирим режаси ва нақд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичлари 165,2 фоиз бажарилди, эмиссия улуши белгиланганидан 7,7 фоизга камайди.

— Банк бошқаруви ҳайрия тадбирлари йўналишида ҳам хизмат кўрсатаётгандир?

— Албатта. 2002 йил мобайнида Халқ банки бўлимларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 8276257,3 минг сўм маблағ келиб тушган бўлса, бунинг 8028605,1 минг сўми нафақа пуллари сифатида тарқатилди. Жумладан, 16 (18) ёшгача болалари бор оилаларга 4518691,8 минг сўм, кам таъминланганларга 475830,8 минг ва 2 ёшгача гўдаги бўлган оналарга 3034082,5 минг сўм нафақа пуллари берилди.

Банк фаолиятини универсаллаштириш ва ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш орқали унинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш ҳамда истеъмол бозорида банк хизматларининг етакчилик ролини сақлаш, корпоратив мижозлар билан ишлашни кучайтириш борасидаги фаолиятимиз тобора такомиллашиб бораётганини ҳам айтиб ўтмоғим жоиз. Чунки, 2002 йил давомида 204 та ташкилот Халқ банки бўлимларига жалб қилинди. Накд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида ташкилотлар ҳисобидан харидоргир маҳсулотларни сотиб олиш учун 1819930,5 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Сотилган маҳсулотлар ҳисобига 1453470,5 минг сўм банк хазиналарига қабул қилинди ва ижтимоий тўловларга йўналтирилди. Кегайли ва Қўнғирот туманларида 2 та «Мини-банк» ташкил этдик. Ҳозир улар 4474 та жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатмоқда.

Ниятимиз — бундан буён ҳам банк хизмати сифатини ошира бориб, унинг ҳақиқий маънодаги оила банкига айланишига эришиш.

Суҳбатдошлар:
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

● ЎЗ ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҲИМОЯ ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Ҳақиқий тижоратчи

АВВАЛО ВАТАНПАРВАР бўлмоғи керак

ЁКИ ЮРТИМИЗГА ЧЕТДАН НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН МАҲСУЛОТЛАР ОЛИБ КЕЛИШГА УРИНАЁТГАН, БИРОҚ БУ НИЯТЛАРИ ПУЧГА ЧИҚАЁТГАН СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ҲАҚИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган Мажлисида мамлакатимиз ички бозорини тартибга солиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган аниқ вазифалар ва хусусан, четдан контрабанда йўли билан сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг олиб келинишига қарши кескин чоралар белгиланди.

Бу бежиз эмас. Негаки, қулоққа шундай гаплар чалиниб турибди: «Тижоратчининг капаси куйди, ишлашга имкон беришмаяпти». Бу сўзларни эшитиб, айрим фуқаролар ҳалиҳануз ҳуқуқий саводхонлик сари интилмаётганидан, ҳукумат қарорларини ўқиб-ўрганиш ўрнига олди-қочди гапларга лаққа тушаётганлигидан озор чекасиз.

Зотан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли, «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 407-сонли қарорларида савдо-сотиқ аҳли, хусусан, тижоратчилар олдига қўйилган талаб, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари равшан қилиб ёзиб қўйилган.

Дунёнинг қайси бир юртига борманг, мамлакат бедарвоза эмас. Сифатсиз ёхуд сертификатсиз маҳсулотлар учун айтинг, қайси давлат чегараларини ланг очиб қўйибди? Шундай экан, нега энди бу ҳолни тўғри тушуниб, англаб етмаслигимиз керак? Ахир, тижоратчилар қадимқадимдан ўқимишли, зиёли, дунёқўрган одамлар бўлишган. Уларни бежиз «маърифат элчилари» дейишмаган. Зотан, улар қадим замонлардан «Буюк ипак йўли» бўйлаб юртга нафақат савдо моллари, балки зиёбахш китоблар, эртак ва ривоятларнинг ҳам кириб келишига сабабчи бўлганлар. Ҳозир ҳам ҳақиқий тижоратчилар ана шундай масъулиятли вазифани бажариб турибдилар.

— Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тижоратчилар ичида ҳам ноқонуний иш юритаётган баъзи бир шахслар учраб турибди, — дейди Ангор туман прокурори Абдинаби Қўзимуродов. — Мисол учун, фуқаро Алимардон Рўзиев 36 дона «Пшеничная», «Денов» ва «Орзу» ароқларини ноқонуний равишда сотаётган вақтда қўлга туширилди. Ушбу жиноят иши судда кўрилиб, тижоратчи Алимардон Рўзиевга нисбатан тегишли жазо белгиланди. Унинг ноқонуний йўл билан сотаётган ароқлари истеъмолга яроқсизлиги сабабли йўқ қилинди. Илёс Муҳаммадиев, Чори Матиев сингари ўнлаб тижоратчилар ҳам ноқонуний қилмишлари учун суд олдида жавоб бердилар.

Ўтказилган тадбирларга қарамасдан, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳамон содир бўлмоқда. Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси берган маълумотларга кўз югуртирамиз:

2003 йил 23 январь кунига қадар вилоят ҳудудига ноқонуний тарзда истеъмол товарлари олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишлар натижасида вилоят Давлат солиқ идоралари томонидан жами 1028 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 96,3 млн. сўмлик ҳар хил турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарликни содир этган 997 нафар, жисмоний шахснинг 898 нафари суд идоралари орқали маъмурий жавобгарликка тортилди, ҳуқуқбузарликни содир этган жисмоний шахслардан 8,6 млн. сўм маъмурий жарима ундирилди. Шунингдек, сохта тадбиркорлар қўлидан далилий ашё сифатида олиб қўйилган 55,9 млн. сўмлик товар моддий бойликлар мусодара қилиниб, сотувга чиқарилди ва 50,4 млн. сўм давлат бюджетига ундирилди.

Бундан ташқари буюм бозорларида мувофиқлик сертификатлари, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлиги тўғрисида ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан савдо қилаётган «олғир»лар ҳам кўп учрамоқда. Мисол учун: фуқаро С. Ғозиева ҳужжатсиз чет элда ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги маҳсулотларни Самарқанд вилояти Ургут бозоридан нақд пулга сотиб олиб, Ангор туманида сотиш мақсадида олиб келаётганлиги аниқланиб, 844,0 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасидан олинган маълумотлар ҳам ушбу ҳолатларнинг «мадда бойлаб» давом этаётганини кўрсатади.

Биргина 2003 йил январь ойида ўтказилган тадбирлар натижасида жами 52 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. 24 миллион сўмга яқин қийматдаги хорижда ишлаб чиқарилган сифатсиз ёки ноқонуний йўллар билан олиб келинган турли маҳсулотлар олиб қўйилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилганлар.

Қонуний йўл туриб, панадан ўтишни лозим билаётган солиқ тўлашдан бўйин товлаш у ёқдан бу ёққа қочаётган кимсалар нега камаймаяпти?

...Яқинда Ангор туман прокуратураси туман давлат солиқ инспекцияси, туман ички ишлар бўлими, прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб, бу соҳада муайян ютуқлар билан бирга айрим қоидабузарликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини аниқлади. Мисол учун, шу йил 12 январь ҳолатига кўра ушбу маъмурий органлар томонидан жами 86 ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ноқонуний фаолият юритаётган шахслардан 8 миллион 309,8 минг сўмлик товар-моддий бойликлар олинди. Суднинг қарорига асосан 7 миллион 938,9 минг сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинган. Бироқ махсус дўкон орқали бу товарларнинг 5 миллион 935,5 минг сўмлиги сотилиб, 1 миллион 559,5 минг сўмлиги ёки умумий товарнинг 19,6 фоизи сотилмасдан қолган. Бунинг сабаби ўрганилганда туман ҳокими муовини Ф. Қувватов туман ҳокимлиги қошидаги нархлаш комиссияси раиси бўла туриб, келиб тушган товарларни ўз вақтида нархламасдан, вазифасига юзакилик ва совуққонлик билан қараган. Ушбу ҳолат юзасидан Ф.Қувватовга интизомий жазо қўллаш тўғрисида туман прокуратураси қарори туман ҳокимига киритилди ва унга нисбатан ҳайфсан эълон қилиш ҳақида туман ҳокимининг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияси нозири, нархлаш комиссияси котиби М. Аликулов олиб қўйилган товарларни ўз вақтида давлат эгалигига ўтказиш чораларини кўрмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддасига асосан унга нисбатан интизомий чора қўлланилди. Бундан ташқари, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш. Норқобиловга, шу инспекция бўлим бошлиғи М. Рихсиевга нисбатан ҳам интизомий чора белгилаш ҳақида қарор қабул қилинди. Суд томонидан давлат фойдасига ўтказилган товар-моддий бойликларни ўз вақтида сотиш чорасини кўрмаганлиги учун 26-сонли махсус дўкон мудири Н. Чориевга Меҳнат Кодексининг 181-моддасига асосан интизомий иш қўзғатилди. Савдо ташкилоти раҳбари ҳамда баъзи бир мутахассисларга, «Халқ банки», «Пахта банк» туман бўлимлари бошқарувчиларига, туман ички ишлар бўлими, СЭС, молия бўлими бошлиқлари ҳамда бир гуруҳ мутасадди шахсларга огоҳлантирув эълон қилинди. Албатта, бу кишини ўйлантирадиган ҳодиса. Фуқароларнинг соғлиги ва бозорлардаги тартиб-интизом масаласи билан боғлиқ бу ҳолатда айнан мутасаддиларнинг совуққонлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

— Одамнинг табиати шунақами, ёки пул дегани шундай нарсамикан, билмадим, фойда, даромад кетидан қувганлардан бири эдим, — дейди термизлик тадбиркорлардан бири ўзининг исм-шарифини ёзмаслигимизни ўтиниб. — Ўзимнинг тузуккина касбу корим бўлса-да, маошга қараб ўтиролмадим. Икки-уч йилдан буён тижорат билан шуғулланиб келаман. Тўғриси, шу пайтгача турли маҳсулотлар олиб келиб кўтарасига бозордаги сотувчиларга пуллардим. Фойда ҳам ёмон қолмас эди. Аммо ҳамма нарсанинг ҳам охири бор деганлари рост экан. Икки-уч ой бурун ҳужжатсиз, айланма йўллар билан яширин равишда олиб келаётган анча-мунча молларимдан айрилдим. Шунча йилдан буён қилган фойдам бир бўлса, буниси бир бўлди. Айб ўзимда. Олиб келаётган молларим сифатли эди, божхонадан қонуний йўл билан ўтсам ҳам бўларди.

Ҳа, ҳақиқий тадбиркор, тижоратчи аввало ватанпарвар бўлмоғи, қонуний иш тутмоғи ва бошқаларга ўрнак, намуна бўлмоғи зарур.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«SHIFOKOR — NON»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўз акциядорларига 2003 йил 29 март соат 10.00да жамиятнинг 2002 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши (Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Т.Каримов кўчаси, 11-уйда) ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «SHIFOKOR — NON» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият Бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш ва 2003 йилга аудиторни белгилаш.
4. 2003 йилга Бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йилдаги фойдасини тақсимлаш ва йиллик дивиденд миқдорини белгилаш.
7. Жамият Кузатув кенгашига ўзгартириш киритиш ҳақида.
8. Жамият Бошқаруви раисини тасдиқлаш ҳақида.

Акциядорлар реестри 2003 йил 27 февраль ҳолатига кўра тузилган.

«SHIFOKOR — NON»

очиқ акциядорлик жамиятининг 2003 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

(минг сўм)

Номланиши	Актив	Номланиши	Пассив
Асосий воситалар	76506	Низом жамғармаси	51980
Эскириши	32988	Тақсимланмаган фойда	33696
Қолдиқ қиймати	43518	Мақсадли тушум	8642
Номоддий активлар	35583	Кредиторлар	5427
Ишлаб чиқариш заҳиралари	12437	Бюджет бўйича қарзлар	936
Пул маблағлари	17384	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзи	1245
Дебиторлар	8309	Бошқа кредиторлар	705
БАЛАНС	109126	БАЛАНС	109126

«SHIFOKOR — NON»

очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботи

Кўрсаткичлар	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	462755	
Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи		324155
Сотиш харажатлари		36374
Солиқ тўланганга қадар умумий натижа	28317	
Фойда (даромад)дан солиқ		10803
Ҳисобот давридаги соф фойда	17514	

Баланс ва молиявий кўрсаткичлар ҳақиқийлигини «DUNYO-AUDIT» МЧЖ аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.

«Янги хайробод»да хайрли ишлар қачон бўлади?

ёки Самарқанд шаҳри, Сиёб туманидаги «Янги хайробод» маҳалласида йиллар оша ҳукм сураётган муаммолар ўз ечимини топмаётгани хусусида

Самарқанд маҳаллалари ўзининг узоқ тарихийлиги, миллий урф-одатлари, анъаналари билан нафақат республикамиз, қолаверса, дунёнинг қай бир чеккасидан ташриф буюрган меҳмон бўлмасин, ҳамиша уларнинг диққат-эътиборини ҳам жалб этиб келган. Бироқ, ора-чорада шундай маҳаллалар ҳам борки... Келинг, яхшиси, шаҳарнинг «Даҳбед» кўчасидаги «Янги хайробод» маҳалласидаги ўзи бўларчилик кайфиятлари ҳақида сўзлайлик.

Меъёрий ҳужжатларга кўра, маҳалла оқсоқоли ҳар 2,5 йилда маҳалла фуқаролари томонидан қайта сайланади. Уларнинг ишини шаҳар, туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви мувофиқлаштириб боради. Биз ҳикоя қилаётган маҳаллада эса оқсоқолларнинг тез-тез алмаштирилиши — мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари кадрлар бўлими фаолиятларидаги боқибеғамликдан дарак бермоқда.

Рисолат ЖЎРАЕВА, 63 ёшли онахон, маҳалла фуқароси:

— Бутун умрим шу маҳаллада ўтаяпти. Ҳаётимни маҳалла ва маҳалладошларсиз тасаввур қилолмайман. Минг афсуслар бўлсинки, кейинги йилларда маҳалламизда ҳукм сураётган хўжасизлик ва туман ҳокимлигида ўтирганларнинг бюрократларча муносабатлари бизни ташвишга солаяпти. Ҳар 1-2 йилда маҳалла раислигига ўтказилаётган сайловлар маълум даражадаги «гуруҳ»лар иштирокида бўлиб, бизга ўхшаганлар «маҳаллага янги оқсоқол» қўйилганлигини эшитиб қоламиз, холос. Ҳокимликда маҳаллалар раҳбари деб Самариддин Содиқов деган кишини айтишади. Билмадим, у киши қай даражада раҳбар, лекин, маҳалламиз учун жон койитиб, бирон ишни ҳал қилганини эслолмайман. Сайланган оқсоқолларнинг ҳам бирор савобли иш қилганлигини эшитмадим. Бировнинг шахсиятига тегиш ниятим йўғ-у, лекин қандайдир сабаблар билан илгари қамалиб чиққан, маҳалла ишини яхши тушунмайдиган Илҳом Алимовни яқинда вақтинчалик раис вазифасини бажарувчи қилиб қўйишди.

Муяссар ТОЖИЕВА, маҳалла фуқароси:

— Маҳалладаги муаммолар ҳақиқатан ҳам ечимсиз қолмоқда. Маҳалламизнинг ўз идораси ҳам қаровсиз ҳолда. Ҳолбуки, бу ерда кўплаб зиёлилар ва турли хил идораларда раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган фуқаролар ҳам бор. Уларни маҳалла иши умуман қизиқтирмайди.

*Масалага ойдинлик киритиш учун туман ҳокимлиги Оқсоқоллар кенгашига мурожаат қилдик. У ерда **«Маҳалла» жамғармаси раиси вазифасини бажарувчи Амриддин САЛОҲОВ:** «Тўғриси, мен бу маш-машалардан бехабарман. Ҳозир вақтинчалик шу вазифани олиб бораяпман. Бу воқеалар аввал бўлиб ўтган. Лекин вақтинча маҳалла раиси вазифасини бажарувчи И.Алимовни судланганидан бехабарман...*

Ҳокимнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масаласи бўйича гуруҳ раҳбари Илина БЕЛЯЕВА билан суҳбатлашдик.

— Маҳалла оқсоқоли вақтинчалик қўйилган. Уни судланганлиги... Нима, судланган одам, раислик ҳуқуқидан маҳрум қилинадими?! Масалани ўйлаб кўрамиз... Лекин аслида бундай вазиятлар билан Оқсоқоллар кенгаши шуғулланади...

*Туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси **С.Содиқовни** бетоблиги туфайли учратолмадик. Юзага келган муаммолар ечими эса яна тугунлигича қолди.*

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

ТАДБИР

Навоийни англаш йўлида

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Навоий номини эшитиш, билиш, Навоий асарларини ўқишнинг ўзи етарли эмас. Навоийни англаш керак, Навоий билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак».

Буюк бобомиз асарларини ўрганиш инсон кўнглида завқ уйғотиш, туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир қилиш билан бирга, она-Ватанга муҳаббат, тарихга ҳурмат улуғ аждодлар олдида масъуллик руҳида тарбиялайди, поклик, ҳалоллик, комиллик сари етаклайди. Шу мақсадда ташланган қадам бизни улуғ шоир адабий меросига яқинлаштиради. Мозий кўз олдимизда намоён бўлади.

Яқинда Тошкент солиқ коллежида навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар, талаба-курсантлар ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

— Биз улуғ бобомиз орзу қилганларидек, комил инсон бўлиб етишишимиз керак, — дейди коллеж директори Мухтор Мухторов.

Кечада коллежнинг 14-гуруҳ курсантлари буюк сиймо ижодига бағишлаб тайёрланган «ғазалхонлик» саҳнасини намойиш этдилар. Ўқитувчи Дилором Дадабоева буюк шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан ахлоқ-одоб, Ватанга садоқатлик масалаларига доир мақоллар кенг талқин этилди.

Тадбирда йиғилганлар Навоийнинг мумтоз ғазаллари билан айтиладиган куй-қўшиқларни мароқ билан тинглаб, завқ олдилар.

Марҳабо ИСРОИЛОВА

✧✧✧

Суратларда:
тадбирдан лавҳалар.

«ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

Очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил якуни бўйича 2003 йил 4 март соат 15.00 да бўладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги 1708-ф сонли Фармойиши ижросини бажариш мақсадида киритилган қўшимча масалалар бўйича эълон:

1. Жамият бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамиятнинг 2003 йилги иш режасини (бизнес-план) тасдиқлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

КЎНГИЛДАН ЎТГАН ГАПЛАР

Иддаодан олдин...

ЎЗИМ НИМА ҚИЛАЯПМАН, ДЕЙИШНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?

Касалхонада даволанаётган эдим. Бир куни мени кўриш учун замонавий бой таништаримдан бири келиб қолди. Савлатидан от ҳуркади: эгнидаги кийим-бошни пулга чаққанда, камида бундоқроқ икки одамнинг тўйига етади. Лекин гапига қулоқ солсанг замондан нолигани-нолиган: имконият тақчиллигидан ўксиниш, биз матбуот ходимлари гўё ошкораликни очиқ айтмаслигимизга нисбатан писанда...

Албатта, унга гап уқтириш бефойда. Лекин шундай бўлса-да, эътирозларимни бирма-бир мушоҳада қила бошладим.

Бой ўртоғимиз кетгач, мен билан бир хонада ётган шеригим кўзларимга жовдираб қараб, шундай деди:

— Биласизми, мен нафас ололмайман. Менга бор-йўғи бир қултум ҳаво керак. Бошқа ҳеч нарса керак эмас. Кун бўйи нафас ололмай қийналаман, кечаси уйқу йўқ, ҳаёт билан хайрлашиб ухлайман... Ўлиб қолсам, рози-ризоликсиз кетмай деб... Одамлар нега шукр қилмайди экан-а?..

Мен кўп мамлакатларда бўлдим. Вашингтонда ҳақиқий миллионерларни кўрганман, гаплашганман. Улар оммавий кутубхоналарда, югуриш майдонларида эл қатори оддий ва содда юришади. Уларнинг миллионер эканликларини фақат чек дафтарларидан билиш мумкин. Улар сиз билан эски ўртоғингиздек гаплашади. Юртингиз ҳақида сўрайди, билимингизни текширади, ҳаётингиз билан қизиқади. Интеллектуал лаёқатингизни ўсмоқчилайди. Вашингтонда 2 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Оилаларнинг 90, 95 фоизида шахсий кутубхонаси бор экан.

Ношукрлик қилаётганларнинг гапларини эшитиб, ўйга толаман, кечаги ва бугунги ҳаётни қиёслайман. Бугунги тўйларимиз, дастурхонимиз, қўшқават уйларимизни кўз турайлик. Мана бир мисол.

Ўзбекистонга 70 йил мобайнида қанча автомашина келтирилган бўлса, кейинги ўн бир йил ичида ундан бир неча баробар кўпроқ автомашиналарга эга бўлдик. Бугунги кунда беш юз номдан ортиқ газета ва журналлар, юздан ортиқ радио ва телевидение студиялари фаолият юритмоқда. Биз нега кўпинча бу ўзгаришларга эътибор беравермаймиз? Назаримда, Ватанини англаш, фуқаролик, фарзандлик бурчини ҳис этиш ҳали тўлиқ шаклланмаган. Америкадаги кўп хонадонлар пештоқига Америка байроғи осиб қўйилганини кўрасиз. Унга ҳеч ким шундай қил, деб топшириқ бермаган.

Биз Мисрда бўлганимизда гуруҳимизга бир араб йигити раҳбарлик қилди. Миср туризмдан бир йилда 17 миллиард доллар фойда кўраркан. Бир куни автобусда Порт Саидга кетаётганимизда чегара яқинида бўлган отишувлар овози эшитилиб қолди. Шунда араб йигити бизни чалғитиш учун худди ҳеч нарса бўлмаётгандек, қизиқарли ҳангомаларни шу қадар мароқ билан гапириб кетди-ки, шерикларимиздан бири «Э, Шукур Бурҳон бўлиб кет-э», — деб юборди. Кўпчилик ташқарида нима бўлаётганлигини ҳам сезмай қолди. Ватан манфаатини ҳимоя қилишни қаранг. Агар бирор адашган ўқ унга текканда, у назаримда кулиб жон берарди. Мисрда битта дарахт кўкартириш учун уч йил тагига тинимсиз равишда сув қуйиб туриш керак. Бизда эрмакка кўчат ўтқазсангиз, эсингиздан чиқиб кетса ҳам ўзи унади, ўсади. Агар араб саҳроларидаги тўфонда қолиб кетсангиз, ўзингиз тугул туянгизни ҳам тополмайсиз. Лекин мисрлик билан гаплашсангиз дунё тараққиётининг бешиги ҳам Миср, Араб давлатлари сардори ҳам Миср, дунёнинг энг гўзал ўлкаси ҳам Миср, энг сифатли мол ишлаб чиқарувчи ҳам Миср...

Шу туфайли бўлса керак, Мисрга четдан деярли мол олиб келинмайди.

Ҳиндистонда сотувдаги маҳсулотларнинг саксон, тўқсон фоизи Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган. Ҳинд киноларида кўрганимиздек, улар севгилиларига қанчалик фидойи бўлсалар, ўз Ватанларига садоқатда бундан ўн карра фидойирокдирлар. Буни ҳиндлар ўз урф-одатлари, маданиятларини қаттиқ сақлаганларидан ҳам кўриш мумкин.

Япония телевидениесида бир танишим ишлайди. У 40 дан ортиқ тилда қўшиқ айта олади. У мени уйига таклиф қилди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ижарада турар экан.

Мана шу танишим ҳам бирор марта ўз Ватанидан, ўз яшаш тарзидан нолиган эмас. Аксинча, Ватан ҳақида гап кетса, Япониянинг дунё миқёсидаги обрўси ҳақида сўзлайди.

Тўғри, ҳамма жойда ҳам ҳукматдан, тузумдан, ҳаётдан норозилар учраб туради. Шундай бўлса-да, Ватанга бир мисқол фойда келтирмай нолийдиганларни кўрсангиз, алам қилади. Иддао қилишдан олдин, ўзим нима қилаяпман, дея ўйлаб кўришга қачон ўрганарканмиз? Ватан тушунчаси, миллат тушунчаси, тараққиёт тушунчаси умуммиллий қадрият эканлигини қачон англарканмиз?

Ўзи совуқ сувга қўл урмайдию ҳаётдан нолийди. Гўё у фақат ейиши, ичиши, кийиниши керагу бировлар унинг учун ишлаши керак. Боқимандалик эмасми бу?

Тўғри, бизда ҳам ватанпарварлар кўп. Аммо ношукр одамларни кўрсанг барибир асабийлашасан киши.

Индонезия дунёдаги энг кудратли давлатлардан бирига айланиб бормоқда. Уни Осиё шери деб ҳам айтишаяпти. Бу ерда 270 миллион аҳоли яшайди. У ерда бўлганимда бир оддий шоликор деҳқон билан гаплашиб қолдим. Деҳқон ўзининг кунлик режасини сўзлаб берди:

— Ҳар куни эрталаб ўз иш режамни тузиб оламан. Дейлик, бугун 20 сотих жойга ишлов бераман, дея уйдан чиқдим. Лекин 10 сотих жойга ишлов берганимдан сўнг, чарчаб қолдим, дейлик. Лекин мен ҳолдан тойиб йиқилсам ҳам, қоронғу тушса ҳам шу ишни бажариб, кейин уйга қайтаман.

Эҳ, дейман ўзимча, қанийди ҳар биримиз мана шу деҳқондай фикрласак...

Агар Ер шарига юқоридан қарасангиз, Ўзбекистон ундаги бир гавҳардир. Албатта, у бир кунмас-бир кун дунёнинг энг гўзал ва энг тараққий этган давлатлари қаторидан жой олади. Биз ўша кунларда юртдошларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун бугун Ватаннинг корига ярашимиз керак эмасми? Бугун ҳамнафас, елкадош бўлишимиз керак эмасми?

Бир одам эрталаб уйидан чиқса, дарвоза тагида биров турганмиш. «Кимсиз, — деса, — мен омадман, бу хонадонда узоқ вақт бўлдим. Бугун хонадонингизда ҳамма нарса етарли, бойсиз, фарзандларингиз соғ-саломат, бахтли-саодатлисиз. Энди, мен кетсам» — дебди ҳалиги одам.

Уй эгаси қани маслаҳатлашиб кўрайлик-чи, деб ичкарига кириб кетибди. Хонадон аъзолари билан гаплашиб кўрса, улар: «Майли омад кетса-кетсину, лекин аҳиллигимизни, бирлигимизни ташлаб кетсин» — дея шарт қўйишибди. Уй эгаси қўйилган шартни омадга айтганида, омад: «Аҳиллик, бирлик бор жойдан мен қаерга ҳам кетардим» дея, яна шу файзли хонадонда қолган экан.

Бугун Ўзбекистон ҳам, мана шундай аҳил ва ҳамжиҳат оила. Аҳиллик бор, тинчлик-осойишталик бор, демак омад ҳам биз билан бирга. Буни вақт ўтган сайин аниқроқ сезиб, ҳис этиб бораверамиз.

Муҳаммад ИСМОИЛ

МАТБУОТ ВА ИСЛОҲОТ

Ҳақ иш, ҳақ сўз учун

Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг кичик мажлисхонасида бошланган ва бир пиёла чой устида давом этган суҳбат, бошқаларни билмадимку, менинг эсимдан чиқмайди. Республика ва вилоят газеталари, телевидение ва радио мухбирлари, муҳаррирлар қатнашган кенгаш олдингиларидан фарқли ўлароқ, жўяли фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида ўтди. Вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Назар Ҳакимов «Очиқ, эркин маслаҳатлашсак» деди ва ўнлаб муҳим мавзуларни ўртага ташлади. Дарҳақиқат, бу масалалар матбуотда яхши ёритиляпти, деб бўлмайди.

Республика миллий ахборот агентлиги мухбирлигидан эндигина матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи лавозимида иш бошлаган Абдужалил Тайпатов маърузасида кўпгина муаммолар очиқ-ойдин айтилди:

— Масалан, вилоятда айни пайтда 30 газета, 4 та телевидение (Ғузор туманида ишламаяпти) фаолият кўрсатмоқда. Ютуқлар анчагина.

Матбуот ҳақ иш ва сўз учун хизмат қилиши, ижтимоий фикрни шакллантириши лозим. Бунинг учун вилоятда куч, имконият етарли. Аммо ҳамма жойда ҳам янгиланиш, ўзгариш сезилмаяпти. Ҳозир 8 та туман газетаси эски усулда, суратсиз босилмоқда. Узоқ Деҳқонобод туманидан Қаршига келиб, газетани офсет усулида нашр этиб кетишмоқда. Бироқ шундай ёнма-ён турган Қарши туманида бунга эътибор берилмаяпти. Бунинг устига туман газетаси бор-йўғи 250 нусхада чоп этилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Таҳлил қилинганда, туманларда 50 миллион сўмлик газета обуначилар қўлига етиб бормаганлиги аниқланди.

Йиғилишда вилоят ОАВ олдида турган вазифалар муҳокама этилиб, янги режалар белгилаб олинди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«НАВРЎЗ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

Очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил якуни бўйича 2003 йил 5 мартда бўладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги 1708-ф сонли Фармойиши ижросини бажариш мақсадида киритилган қўшимча масалалар:

1. Жамият Бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг Низом жамғармасини ошириш ҳақида.
4. Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

«Наврўз универсал бозори» ОАЖнинг 2003 йил 1 январгача бўлган баланси

(минг сўм ҳисобида)

Актив	Пассив
Асосий воситалар — 32818,8	Устав капитали — 29000
Капитал қўйилмалар — 118043,9	Резерв капитали — 19074,9
Шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар — 9599,9	Тақсимланмаган фойда — 6037,1
Ишлаб чиқариш заҳиралари — 5155,6	Мақсадли тушумлар — 96310,7
Товарлар — 4655,6	Кредиторлар — 41998,9
Келгуси давр сарфлари — 17419,4	
Пул маблағлари — 1701,0	
Дебиторлар — 3027,4	
Жами: 192421,6	**Жами: 192421,6**
2002 йил молиявий натижалари	
Маҳсулот сотишдан тушган тушум — 127725,8	
Сотишдан тушган ялпи фойда — 106051,9	
Асосий фаолиятнинг фойдаси — 57633,2	
Соф фойда — 6037,1	

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ИНСОН ВА ЭКОЛОГИЯ

Она табиат меҳрга муҳтож

Бутун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Ўзбекистон Қизил китоб»нинг 2-жилди, «Тоза ишлаб чиқариш» Ўзбекистон миллий маркази буклетининг тақдимоти бўлиб ўтади.

Оламнинг омонлиги, инсониятнинг боқийлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг соғлигига боғлиқ бўлиб қолди. Юксак тараққиёт чўққисини забт этишга эришган одамзод ўзига янги муаммони пайдо қилди. Экология муаммоси! Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Борий Алихонов билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда.

— Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат Дастури» тасдиқланганди, — сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Унга кўра режалаштирилган 155 та тадбирдан 91 тасини амалга оширдик, 56 тасининг эса бажарилиши устида ишламоқдамиз. Маълумки, бизда ичимлик сувининг 70 фоизи ер ости сувлари ҳисобига тўғри келади. Республикамизда ичимлик суви муаммоси ўткирлигича қолляпти. Юртимизда мавжуд бўлган 11 та республика, 8 та вилоят аҳамиятига молик бўлган чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақоми берилди ҳамда улар заҳираларини муҳофаза қилиш кучайтирилди. Тошкент, Навоий, Андижон шаҳарларида маиший ва токсик саноат чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлашни тартибга солишга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Этилсиз бензин ишлаб чиқариш учун Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта реконструкция қилиниб, А-92, А-76, АИ-95 маркали бензин ёнилғиси таркибидаги қўрғошин миқдори белгиланган экологик меъёргача пасайтирилади. Поп тумани, Чоркесар шаҳарчасидаги собиқ 23-кон ҳудудида радиация ҳолатини бартараф этиш мақсадида республика бюджети ҳисобидан 163,5 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

— Борий Ботирович, тежамкор халқмиз, лекин баъзида бироз лоқайдлигимиз борлигини ҳам тан олайлик. Айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза этишдан кўра моддий манфаатдорликни устун қўядиганлар ҳам оз эмас.

— Тўлиқ қўшиламан, баъзи кимсаларнинг бепарволик, ўз ҳамёнини ўйлаши оқибатида табиатга жиддий зарар етаётгани рост. Мана, ўтган йилнинг ўзида қўмитамиз 5594 та текшириш ўтказди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш қонунчилигини бузган 11,7 мингдан зиёд мансабдор шахслар, фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди, келтирилган зарарни қоплаш учун 152,5 миллион сўм жарима солинди, шундан 120,9 миллион сўми ундириб олинди. Таассуф билан айтаманки, бу 2001 йилдагидан 1,4 марта кўп.

— Оқова сувлар, ҳавони булғаш ҳоллари давом этяпти. Ҳаво заҳарланяпти. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мумкинми?

— Мумкин. Лекин суст кетяпти. Республикамизда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган 1769 та корхона, цех фаолияти вақтинча тўхтатилди. 1587 минг куб метр ифлос оқова сувларнинг оқизилиши, 2109 тонна ифлослантирувчи моддалар атмосфера ҳавосига ташланишининг олди олинди. Ёки банк муассасаларига киритилган талабномалар асосида 103 та давлат экологик экспертизасидан ўтмаган объектни молиялаштириш тўхтатилди. Баҳор ва кузда «Тоза ҳаво» тадбири ўтказиляпти.

— Ўсимлик, ҳайвонот олами табиат мувозанатини ушлаб турувчи куч. Юртимизнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами бир вақтлар жуда хилма-хил бўлган. Ҳозирга келиб эса борларини сақлаб қолиш ҳам муаммога айланиб қолмаяптими? «Қизил китоб»да уларнинг сони ортиб боряпти, чоғи...

— Табиатнинг ўз қонуни бор. Наботот, ҳайвонот олами ва умуман, бизни ўраб турган табиат ўзаро занжирли реакциялар билан давом этади. Занжирнинг биргина халқаси узилса, реакция бузилади. Айтайлик, наботот дунёсини кузатайлик. 80-йилларнинг бошида уларнинг 4 минг тури қайд этилган бўлса, шундан 167 тури «Қизил китоб»га киритилган. Яқинда чоп этилган «Қизил китоб»нинг янги 2-жилдига назар солсангиз, олий ўсимлик турига кирувчи 301 та тур «Қизил китоб»га киритилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бундан кўриниб турибдики, наботот оламининг яшаш фаолиятига ички ва ташқи салбий таъсир ошиб кетган. Бу баъзи ўсимлик турлари йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдиряпти. Шу боис алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни янада кенгайтириш керак. Республикамизда биохилмахиллик стратегиясини қабул қилганмиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон табиат муҳофазаси борасида кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Республикамизда табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция протоколларининг асосийлари ратификация қилинган.

Қўмитамиз яқинда Европа комиссиясининг халқаро Таъсис дастури бўйича кичик сув ҳавзаларини оқова сувлардан муҳофаза этиш бўйича таклифлар тайёрлади.

Бир сўз билан айтганда, табиат инсоннинг меҳрига, шафқатига муҳтож. Уни асраш биз учун бурч, фарз!

Суҳбатдош:
Саида САЙХУН

«POYTAXT-SERGELI SAVDO MARKAZI»

Очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси 2003 йил 31 март соат 15.00 да жамият маъмурияти биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ

1. «Poytaxt-Sergeli savdo markazi» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият Бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
10. Жамиятнинг «Қимматли қоғозлар ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг «Ижроия органи ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг «Умумий мажлис ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг «Тафтиш комиссияси ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг «Кузатув Кенгаши ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг «Акциядорларга дивиденд тўлаш тартиби ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг «Акциядорлик жамияти Бош директорини мукофотлаш ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
17. Жамиятнинг «Саноқ комиссияси ҳақида»ги Низомини тасдиқлаш.
18. Жамият Бош директорини сайлаш.
19. Жамиятнинг Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Қурувчилар мавзеси, Нилуфар кўчаси, 1

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«POYTAXT-SERGELI SAVDO MARKAZI»

ОАЖ БАЛАНСИ

(минг сўм)

АКТИВ	
I. Узоқ муддатли активлар	
Асосий воситалар: Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01,03)	2422565,1
Эскириш (02)	504725,8
Қолдиқ қиймат (010-011)	1917839,3
Номоддий активлар Бошланғич қиймат (04)	87,5
Эскириш (05)	7,3
Қолдиқ қиймат (020-021)	80,2
Капитал қўйилмалар (07,08)	23367,4
Шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар (06)	2000,0
I-бўлим бўйича жами	1943286,9
II. Жорий активлар	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	7228,3
Келгуси давр сарфлари	557,4
Пул маблағлари	21175,8
Дебиторлар жами	10489,3
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш	2000,0
Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш	414,0
Таъсисчилар билан ҳисоблашиш	302,7
Бошқа дебиторлик қарзлари	7772,6
II-бўлим бўйича жами	39450,8
Баланснинг активи бўйича ЖАМИ	1982737,7
ПАССИВ	
I.Узоқ маблағларнинг манбалари	
Устав капитали	1600000,0
Қўшилган капитал	94278,9
Тақсимланган фойда	165760,5
Келгуси давр даромадлари	14,4
I-бўлим бўйича жами	1860053,8
II. Мажбуриятлар	
Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	32565,2
Кредиторлар, жами	90118,7
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	64779,6
Бюджет бўйича қарзлар	11924,0
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	384,1
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	2558,9
Бошқа кредиторлар	10472,1
II-бўлим бўйича жами	122683,9
Балансининг пассиви бўйича ЖАМИ	1982737,7

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Иқтисодий интеграция — тараққиёт йўли

Бугунги кунга келиб, интеграция ҳар қандай миллий иқтисодиёт жараёнини таъминлашнинг муҳим воситасига айланди. Маълумки, бир-биридан фарқли бўлган икки хил модел мавжуд. ***Биринчиси*** *— экспорт тармоғини афзал кўради, мутахассислар тили билан айтганда, дунё бозорига бирлашувчи очиқ иқтисодиёт йўли билан чиқади,* ***иккинчиси*** *эса маҳсулот айирбошлашни биринчи ўринга қўйган ҳолда юқори божхона тўсиқларига эга бўлган ёпиқ хўжаликни маъқул кўради.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича Ҳамдўстлик давлатлари орасида бешинчи ўриндан (Россия ва Украинадан кейин) учинчи ўринга кўтарилди. Лекин шунга қарамай, товар айирбошлаш бўйича мамлакатимиз аввалгидек бешинчи ўринда турибди. Республикамиз жаҳон меҳнат ресурсларининг 0,33 фоизига эга бўлгани ҳолда Ер юзи бўйича ҳисобланганда 0,5 фоиз аграр ва 0,1 фоиз саноат маҳсулотини ишлаб чиқармоқда. Унинг улушига умумжаҳон экспортининг 0,06 фоизи тўғри келмоқда.

Марказий Осиё ҳамкорлиги (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 2002 йил 27 декабрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммити интеграция доирасида олдинга силжиш бўлди, албатта. Илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндаларининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаганлиги ҳам айтиб ўтилди. Қабул қилинган қўшма коммюникеда ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакилларининг мулоқоти эса қонунчиликни мувофиқлаштириши ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиш зарурлиги таъкидланди.

«Иқтисодиётнинг реал тармоқларини Марказий Осиё ҳамкорлиги (МОҲ) интеграция жараёнларига жалб этиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди» *— дейилади қўшма коммюникеда.*

Ўзбекистон Президенти 1997 йилнинг сентябрида «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро Тошкент конференциясида сўзлаган нутқида: ***«Биз Тошкент анжумани иштирокчилари орасида Европа Иттифоқи мамлакатлари делегацияларини кўришдан мамнунмиз. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасида тажрибаси Марказий Осиёдаги ёш давлатлар учун алоҳида қадрлидир. Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёти ва ахборот майдонига фаол кириб бориши, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, энг аввало бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз»*** *— деган эди.*

Очиқ жаҳон бозори иқтисодиётини шакллантириш — ташқи иқтисодий фаолиятда тараққиётга олиб борувчи тўғри сиёсий йўлни янада ривожлантириш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат мустақиллигини кафолатлайди ва бу ўз навбатида иқтисодиётни барқарорлаштириш омили бўлади.

Ҳозирги замон шароитида халқаро меҳнат тақсимотида яккаланиб қолиш мумкин эмас. Фақат ўз кучига амал қилиш даври аллақачон ўтиб кетди. Бу ҳозирги шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ғов бўлади. Бу мавжуд бойликлардан оқилона фойдаланиш имкониятларини яратмайди... Тажриба шуни кўрсатадики, очиқ иқтисодиёт ҳатто ноқулай таъсирларга мослашишда ҳам кўпгина имкониятларга эга бўлиб, бойликлардан самарасиз ва унумсиз фойдаланишга барҳам беради. Бундан ташқари шу нарса муҳимки, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, иқтисодий кенгликнинг ортиши туфайли ички бозорнинг нисбатан торайиши муаммоси бартараф этилади ва ўзидан ортиб қолган маҳсулотлар, сармоя оқимини бошқа мамлакатларга чиқариш имкони туғилади.

Кейинги йилларда илмий-техника инқилоби тараққиёти ва хўжалик ҳаётининг бутун ҳолда тобора чуқурлашуви натижасида ташқи иқтисодий омиллар доимий равишда ўсиб борди. Бунга яққол далил сифатида кейинги ўн йил давомида дунё миқёсида иқтисодий тараққиётнинг асосий ғояси — муросасозлик ҳукм суришидир. Бинобарин, бу ғояни ривожланаётган ва тараққий этган мамлакатлар ҳам эътироф этмоқда. Иқтисодий сиёсат соҳасидаги муросасозлик айрим мамлакатларнинг ички доирасида, шунингдек, халқаро иқтисодий муносабатлар миқёсида ҳам намоён бўлмоқда. Халқаро савдо ишлари, сармоя ва капиталлар оқимида барча эътироф қилган муросасозлик иқтисодиёт даражасини ошириш ва ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида юзага чиқмоқда. Жаҳон иқтисодиёт макони ҳозирги даврда савдо-сотиқ ва сармоя оқимлари билан боғлиқ миллий иқтисодиёт тармоғи сифатида эмас, балки минтақавий ва миллий кичик секторлардан иборат ягона сармояли, ишлаб чиқариш ва савдо майдонига айланмоқда. Турли мамлакатлар, минтақалар турлича иқтисодий ривожланиш даражаси ва турли иқтисодий манфаатларга эга бўлсалар-да, муросасозлик ва интеграция бош ғоя бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда у узоқ муддат давомида амалга оширилади.

Умуман олганда, иқтисодий интеграциянинг объектив хусусиятлари давлат ва давлатлараро ташкилотлар томонидан четдан стихияли тарзда бошқарилади, деган маънони англатмайди. Ҳудудий интеграцион мажмуаларни шакллантириш шартномали-ҳуқуқий базага эга, қатор мамлакатлар гуруҳи ўзаро келишган ҳолда минтақавий давлатлараро мажмуаларга бирлашадилар ҳамда ўзаро ҳамкорликда ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётида тенг равишда ҳудудий сиёсат юргизадилар. Интеграцион гуруҳлардан — Европа Иттифоқи, Шимолий Америкада НАФТА, Осиё — Тинч океани ҳудудида Тинч океани ҳамжамиятини мисол келтириш мумкин. Тарихан анча барқарорлашган интеграцион жараёнлар Ғарбий Европада юзага келган бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида бутун бир ҳудудда ягона хўжалик маконини ташкил этдики, унинг доирасида қайта тикланишнинг умумий шарт-шароитлари шаклланди ва уни бошқариш механизми яратилди. Бу ерда интеграция анча мукаммаллашган шаклга етди. Ушбу интеграция механизмининг муҳим қисмларидан бири — бу, структурали, тармоқли ва регионал (ҳудудий) сиёсатни муштарак ҳолда юргизишдир.

Анвар ЭШМУҲАМЕДОВ, ТДИУ Макроиқтисодиёт кафедраси мудири, профессор, Искандар ЁҚУБОВ, ТДИУ Макроиқтисодиёт кафедраси доценти

«O'ZDASTGOHASBOBUSKUNASAVDO» OAJ

Акциядорларнинг 2002 йил якунлари бўйича умумий йиллик йиғилиши 2003 йил 28 март соат 10.00 да ўтказилишини маълум қилади.
Манзилгоҳ: 700025, Тошкент ш., Кичик Бешёғоч кўчаси — 130.
Рўйхатга олиш соат 9.00 дан.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 2002 йил учун йиллик балансни тасдиқлаш.
4. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
5. 2003 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
6. Кузатув Кенгашини тасдиқлаш.
7. Бошқарув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясини тасдиқлаш.
8. Низом жамғармасини ошириш.
9. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
10. Турли масалалар.

Маълумотлар учун телефонлар: 54-56-98, 54-49-20.

Навоий вилоят «БАЛИҚЧИЛИК» акциядорлик жамиятининг 2002 йил учун қисқартирилган бухгалтерия баланси

(минг сўм)

АКТИВ	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида	ПАССИВ	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида
1.Узоқ муддатли активлар				Ўз маблағлари манбалари			
Асосий воситалар				Устав сармояси	330	5102	5102
Дастлабки қиймат бўйича	%	Ц36951	136848	Қўшилган сармоя	340	84817	84817
Эскириш	011	65638	78541	Заҳира сармояси	350	1374	1374
Қолдиқ қиймат бўйича	012	71318	58307	Тақсимланмаган фойда	360	5374	1328
Капитал қўйилмалар	060	201	2359	Мақсадли тушумлар ва фондлар			
1-Бўлим бўйича якун	110	71519	60666	**1-Бўлим бўйича якун**	400	96667	92621
2. Айланма активлар				2. Мажбуриятлар			
Ишлаб чиқариш заҳиралари	120	23442	30631	Узоқ муддатли қарзлар	420	238	
Тўланмаган ишлаб чиқариш	130	961	—	Қисқа муддатли кредитлар	—	—	—
Тайёр маҳсулот	140	16614	610	Харидорлар ва буюртмачилардан ушланган бўнаклар	450	—	1321
Қайта сотиладиган товарлар				Кредиторлар жами	460	24867	14697
Пул маблағлари				Етказиб берувчилар	470	4295	6993
Валюта маблағлари				Бюджет бўйича қарзлар	480	9518	—
Кассадаги пул маблағлари				Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	490	6274	6649
Дебиторлар жами	220	9236	16732	Ижтимоий суғурта ва таъминот	510	3586	1055
Аванс тўловлари	240	—	123				
Харидорлар ва буюртмачилар	230	9236	8739	Бошқа кредиторлар	540	1194	—
Бюджет билан ҳисобкитоб							
Ходимлар билан ҳисобкитоб							
Бошқа дебиторлар	270	—	7870				
2-Бўлим бўйича якун	310	50253	47973	**2-Бўлим бўйича якун**	550	25105	16018
Баланс активлар бўйича ҳаммаси	320	121772	108639	Баланс пассив бўйича ҳаммаси	560	121772	108639

XORIJDA

300 киши гаровда

Ҳиндистоннинг Нагаленд штати раҳбарияти Reuters агентлигига маълум қилишича, «Нага миллий кенгаши» ва «Нагаленд миллий социалистик кенгаши» дея номланган террорчилар гуруҳи штатнинг қонун чиқарувчи палатасига сайловлар ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида иштирок этаётганлардан 300 кишини гаровга олди. Улар орасида депутатликка номзодлар ҳам бор.

Террорчилар бўлажак сайлов жараёнини бузиш учун шунча кишини гаровда ушлаб турибдилар.

Ироқ масаласи бугунги кунда дунё муаммосига айланиб улгурди. Шу муаммо юзасидан халқаро инспекторлар ҳисоботи 14 февраль куни БМТ Хавфсизлик Кенгашида эшитилгандан сўнг расмий Вашингтон БМТга янги резолюция тақдим этишини маълум қилган эди.

Reuters агентлиги тарқатган ахборотда айтилишича, куни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгашига икки ҳужжат тақдим этилди. Бири АҚШ ва Буюк Британия томонидан тузилиб, Испания томонидан қўллаб-қувватланган янги резолюция лойиҳаси бўлса, иккинчиси Франция томонидан битилган (Россия, Германия ва Хитой билан келишилган ҳолда) расмий хат-ҳужжатдир.

Ироқ муаммоси бўйича янги резолюция лойиҳасининг матни Хавфсизлик Кенгаши аъзоларига тарқатилди. Яқин икки ҳафта ичида резолюция лойиҳаси муҳокама этилади ва бу даврда уни овозга қўйиш режалаштирилмаган. Лекин мазкур масала юзасидан бир қанча мамлакатлар ўз фикрларини билдиришга ҳам улгурди. Жумладан, Австралия бош вазири Жон Говард БМТ бу резолюцияни қўллаб-қувватлаши лозимлигини уқтирди. Япония ҳукумати матбуот котиби Ясуо Фукуда эса иккинчи резолюция мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб, бу Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун охирги дипломатик «тазйиқ»дир деди. «Хитой эса лойиҳани чуқур ўрганиб чиқади» деди Хитойнинг БМТдаги элчиси Ван Иньфан. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан учтаси, янги резолюция қабул қилинишини маъқулламаяптилар. Шунинг учун ҳам Франция Россия, Германия ва Хитой билан келишган ҳолда хат-ҳужжат тақдим этди. Унда Ироқда оммавий қирғин қуролларига қарши текширув олиб бораётган халқаро инспекторлар фаолиятини камида яна 120 кунга узайтириш, керак бўлса текширувчилар сонини кўпайтириш ва уларни қўшимча воситалар билан таъминлаш масаласи баён этилиб, бир қанча таклифлар киритилган. Жумладан, ҳар уч ҳафтада Хавфсизлик Кенгашида инспекторлар ҳисоботини эшитиш ва 120 кундан сўнгги хулосавий қарорга келиш таклиф этилган.

Бу борада расмий Вашингтон ўз сўзини айтди. АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс таъкидлашича, Ироқда кузатувчиларни кўпайтириб, Саддам Ҳусайндан Хавфсизлик Кенгаши талаблари бажарилишини кутиш бефойда бўлмоқда.

Reutersнинг яна бир хабарида ёзилишича, заҳирадаги «Ас-Самуд-2» баллистик ракеталари йўқ қилиниши борасида халқаро инспекторлар раҳбари Ханс Бликснинг талаби Ироқ ҳукумати томонидан ҳали бажарилмаган. Президент Саддам Ҳусайн маслаҳатчиси генерал Амир Ас-Саадининг гапларига қараганда, бу борада ҳали якуний қарор қабул қилингани йўқ, негаки, бу масала ҳануз ўрганилмоқда. Шунинг учун АҚШ Ханс Бликс бошчилигидаги халқаро инспекторларнинг 7 март куни БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этадиган навбатдаги ҳисоботларидан сўнг мазкур резолюция лойиҳасини овозга қўйишни мўлжаллаб турибди. Демак, лойиҳани ўрганиб, муҳокама этишга роппа-роса бир ҳафта вақт бор. Ким қандай қарорга келишини эса ҳозирча вақт измига қўя турамиз.

Алимқул СУЛТОН

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Янги резолюция тақдим этилди

Бошпана берилмайди

Швейцария Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги йиғилишида агар Ироқда уруш бошланса, Саддам Ҳусайн ва унинг оиласига сиёсий бошпана бермасликка қарор қилинди.

Шунингдек, Швейцария ҳукумати АҚШнинг Бағдодга қарши ҳарбий операция бошлашида Швейцария ҳаво кенгликларидан кенг фойдаланиш ҳақидаги сўровномасини ҳам рад этди, дейилади Reuters ахборотида.

Ягона тиббий ҳужжат

Яқин кунларда Европа Иттифоқи аҳолиси янги электрон тиббий суғурта карточкасига эга бўладилар ва бу карточкага эга бўлган одам Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатларнинг қаерида бўлмасин, эҳтиёж туғилиши билан унга сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Карточкага барча ҳужжатларнинг ўрнини боса оладиган мақом берилади.

Европа Иттифоқига кирувчи давлатларнинг аҳолиси ўзи истаган давлатда (фақат ЕИ таркибидаги) ҳеч бир муаммосиз даволаниши мумкинлигини амалга ошириш учун ҳозирданоқ музокаралар олиб борилмоқда.

ЕИнинг ижтимоий масалалар ва меҳнат ресурслари бўйича комиссари Анна Диамантопулунинг қайд этишича, бу янгилик одамлар ҳаётини бироз бўлса-да енгиллаштиради.

Ушбу карточка масаласи 21 март куни Брюсселда бўладиган ЕИ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги саммитида муҳокама этилади. Уни амалга жорий этиш эса 2004 йил июлга мўлжалланмоқда.

Парламент телефонлари узиб қўйилди

Грузия парламентининг барча телефонлари бугунги кунда узиб қўйилган. Сабаб: парламентнинг абонентлик қарзи кўпайиб кетган. Парламент вице-спикери Гиги Церетелининг айтишича, фақат Тбилиси станциясидан йиғилган қарз 220 минг (100 минг доллар)ни ташкил этади. Бу қарз 1998 йилдан буён йиғилиб қолган.

Депутатлар эса ишлаш учун шароит яратилишини талаб қилишмоқда, дейилади «Новости» ахборотида.

Украинлар Ироқни тарк этади

«Новости» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, Украина Ироқдаги ўз фуқароларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишга киришмоқда. Бу ҳақда Украина Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Сергей Бороденков Киевда ўтказилган брифингда маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, яқин кунларда Ироқдаги 231 нафар украин Россия Фавқулоддда вазиятлар вазирлигининг самолётида ватанига қайтадилар.

Украинанинг Ироқдаги элчихонасида ишловчи барча дипломатлар эса анча аввал мамлакатни тарк этган.

Мукофотга номзодлар

Халқаро Нобель мукофоти қўмитаси бу йилги мукофотга номзодлар рўйхатини эълон қилди. Унда 21 ташкилотдан 129 нафар номзоднинг исми-шарифи ўрин олган. Улар орасида Ироқда оммавий қирғин қуролларига қарши текширув олиб бораётган халқаро инспекторлар гуруҳининг бошлиғи Ханс Бликс ва Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадейларнинг ҳам номлари бор. Қўмитадагилар фикрича, агар улар Ироқда уруш бўлишининг олдини олишга эришса, мукофотга асосий номзодлар бўладилар.

Reutersнинг таъкидлашича, номзодлар таркибига Иллинойс штатининг собиқ губернатори Жорж Райан (150 нафар ўлимга маҳкум этилганларни авф этиш тўғрисидаги қарори учун), ирландиялик рок-қўшиқчиси Боно (Африкадаги очарчиликка қарши курашдаги фаолияти учун) ва аввал ҳам номзоди тавсия этилган Рим папаси Иоанн Павел II ларнинг номлари қайд этилган.

Бундан ташқари бошқа мамлакатлардан ҳам номзодлар қўйилган.

Ҳиндистон манзаралари

Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

● ОНАЛАР БОЛАЛАР ҲАҚИДА

Ҳаётим чироғи

ЎҒЛИМ — МУСАВВИР БЕҲЗОД МАҲМУДОВ БИЛАН СУҲБАТ

Ёз жазирамасида Хумсондаги дала ҳовлимизга бордик. Эртасига ўғлим портретимни ишлаш учун тараддуд кўра бошлади. Ундан ўзимни атлас кўйлакда тасвирлашни илтимос қиламан. У мовий ранг кўйлагим жуда ярашишини айтиб, сўзида туриб олади. Хоҳишини қайтара олмайман.

— Ўзимни портретда яна синаб кўрмоқчиман, ая, — дейди ўғлим. — Бу рассомчиликда энг қийин жанр.

— Бунча ҳаяжонланмасанг, болам... Илгарилари ҳам портретлар ишлагансан-ку, — дейман унга.

— Тўғри, улар институтни энди тугатган пайтларимда ишланган эди. Кейин биласиз-ку, табиат манзараларига берилиб кетдим.

— Ҳа-я. Қишлоқда ойлаб қолиб кетардинг. Ёз-ку ёз, қишда ҳам. Хумсон сени бутунлай мафтун этиб қўйган. Баъзида бу ерга ҳамкасб дўстларинг Акмалжон, Алишер Мирзо, Жамолиддин, Ботиржонлар ҳам келишарди. Биргалашиб ишлардинглар. Бирингиз сой бўйида, бирингиз Угом дарёси қирғоғида, қариялар ҳузурида, тоғ бағрида, боғ қўйнида, хуллас кун бўйи табиат, қишлоқ бағрига сингиб кетардингиз. Кечки пайт завқ-шавқларингиз, ҳайратларингиз акс этган полотноларни кўтариб кириб келардинглар. Назаримда, ҳовлимиз кўргазмалар залига айланиб кетгандек бўларди.

— Табиатнинг ҳам руҳи бор, ая, фақат буни ҳис этиш керак, — дейди ўғлим. Табиат билан гаплашавериб, унга тикилавериб чарчаганимни ҳам сезмайман. Бодом барглари мен билан шивирлашаётгандай, тоғ чўққисидаги буталар эгилиб-эгилиб ўзига чорлаётгандай бўлиб кетади, гўё. Бундай ғаройиб мулоқот кишига кўп нарсаларни англатади.

— Буларни айтмасанг ҳам биламан. Қишлоққа кетишинг билан бир кунда кўз олдимдан неча бор ўтасан. Ловуллаган жазирама ёздами, қишнинг қирчилламасидами — қир адирларда расм ишлаб, ҳориб-чарчаб уйга қайтганингни сезаман.

— Ая, кўзингизга нега қалам сурдингиз? — дейди ўғлим қўлидаги қилқаламини шошиб артаркан.

— Вой, қалам эмас, сурма-ку.

— Сурма ҳам атир-упа ҳам керак эмас. Мен суратга олаётганим йўқ. Ҳамма нарса табиий бўлиши керак.

Беҳзоджон ҳар хил сиқма рангларни палитрага тўкади ва қилқалам билан уларни аралаштира бошлайди. Унинг қўли холст билан палитра орасида тинимсиз бориб келаверади.

— Сизнинг портретингизни Абдулҳақ Абдуллаевдек атоқли рассомдан кейин ишлашим керак эмас эди, ая. Уларга тенглашиб бўладими. Лекин мен устоздан олдин ишлай бошлаган эдим. Нима бўлганда ҳам уни тугатиб қўйишим керак.

— Абдулҳақ академик портретчи бўлмадинг. Манзара жанридан кўнглингни узолмадинг.

— Бундан сира афсусланмайман, аяжон. Табиатни ишлаш менга кўп нарса берди. Қолаверса, портрет ишлашимда атоқли санъаткордан олган тажрибаларим қўл келаётир. Пейзаж йўли мана портрет йўлига келиб туташди. Энди Абдулҳақ аканинг маслаҳатларига жуда-жуда муҳтожлик сезаяпман.

— Илгарироқ рағбат қилганингда борми, улардан кўп нарса ўрганардинг. Хазина эди у одам. Сенга Беҳзод исмини қўйган ҳам ўшалар. Очиғини айтсам, Абдулҳақ ака билан биз сенинг рассом бўлишингни орзу қилганмиз.

Суҳбатга берилиб кетиб бизни кузатиб турган Беҳзоднинг дадасини сезмай қолибмиз.

Улар холстга узоқ тикилиб туриб:

— Ишинг чакки эмас ўғлим. Лекин портрет билан табиат уйғунлигига эътибор бер. Менимча, табиат портретга ёпиштириб қўйилгандай, — дедилар.

Мен яна ўйга чўмаман. Ўғлимнинг касб танлаши тўғрисида хотиралар хаёлимга қуйилиб келади.

Ҳаммаси Нефертитининг фотосидан кўчирма олишдан бошланганди. Ота-бола Нефертити расмини чиза бошлашди. Ниҳоят иккита расм пайдо бўлди. Отаси Беҳзод кўчирган нусхани кўриб, ҳаяжон билан:

— Ишлашидаги майинлик, жозибани қаранг, — деди. — Наҳотки, шунча пайтдан буён ундаги қобилиятни сезмаган бўлсак?.

Машқ эртасига ҳам, индинига ҳам давом этаверди. Беҳзод ўшанда мактабни битириш арафасида эди. Мактабни тугатганида эса унинг ким бўлиши, қайси ўқув даргоҳига кириши аниқ-равшан эди —бадиий билим юрти, кейин рассомчилик институти...

Ўғлимнинг диплом иши мавзуси Чорвоқ денгизи манзараларига оид эди. У буни аъло даражада уддалади.

«Беҳзоддек рассомни дунёга келтирганларингиз учун сизлар нақадар бахтлисизлар», деганди бир куни Рўзи Чориев эҳтирос билан.

— Устозларим гапида муболаға йўқ эмас. Гап тинимсиз меҳнатда экан.

— Ишларингни кузатиб улар бошқаларникини такрорламаслигидан бир қувонсам, табиатга ёпишиб олганингдан ташвиш ҳам тортаман. Ўзинг айтасану Алишер Мирзо, Акмал Нур бир кўрган манзарасидан ўнта полотно яратади, деб. Нега сен ҳам шу йўлдан бормайсан? Кўпроқ уйда, устахонангда бўлармидинг.

— Аяжон, ҳар кимнинг ўз йўли бор. Ижодда йўл танланмайди. Йўл очилади. Кимки ўзи билган сўқмоқдан юрса, шу сўқмоқ уни катта йўлга олиб чиқади. Менга қолса, кўриниб турган манзаранинг кўринмаган дардини, қувончини, руҳини, кайфиятини тасвирласам дейман. Терак барглари шитирлашида аллақандай мусиқа туяман, новдалардан пастга сизаётган ёмғир томчилари дарахт кўз ёшларидек тюлади, ботаётган қуёш ҳаёт ғаниматлигини эслатаётгандай, тонг уйғониш ёшлик, покликни ифода этгандай. Ишқилиб, мен ўзимни, ўз руҳимни табиатдан топаман. Табиат мен учун энг яқин сирдош ва йўлдош. Ундан узилсам худди дунёдан, ҳаётдан, завқу фароғатдан жудо бўлгандай юрак бағрим ҳувиллаб қолади.

Беҳзод палитра устида қилқаламни ўйнатиб, ранг танлайди. Бир холстга қарайди, бир менга тикилади...

— Аяжон, илтимос қимирламанг, мен образингизни энди топдим.

— Шунча йиллардан буён ёнингдаман-ку, энди кўрдингми? — дейман кулиб.

— Онам бўлсангиз ҳам образ сиймосини топиш қийин-да.

Чеҳраси гоҳ жиддий, гоҳ ёришиб, шиддат билан қилқалам тебратаётган ўғлимга тикилиб қарайман.

Эсини танибдики, мольберт, холст, бўёқлардан бўлак дарди йўқ. Германияда шахсий кўргазмаси очилиб, ўғлим кўргазмага қўйилган асарларининг ҳаммасини Тошкентга қайтариб олиб келганда ажаблангандим.

— Бирортаям харидор чиқмадими? — дея сўрагандим ўшанда.

— Ҳар қадамда харидор. Лекин сотгим келмади, ая, — деганди у. — Улар ватанимдан узоқларда қолиб кетишини истамадим. Кейин, ҳар бир асар — ижодкор фарзанди. Асарингни соғиниш фарзанд соғинчидан кам эмас. Бундан ташқари, ўз юртингда уларни хоҳлаган пайтда кўриб туриш имконияти бор.

Шундай қилиб, она-боланинг бир неча кунлик унли ва унсиз суҳбатларимиз давомида менинг портретим яратилган эди. Мен эса қалбимнинг тўрида ўғлимнинг портретини яратган эдим...

Дилбар МАҲМУДОВА

Байрамга пешвоз

Наврўз келаётир. Шу боис, маҳалла-кўйларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқаётир.

— Юртимизни азиз билган одам кўчат эксин, — дейди Тошкент туманидаги Тўлабе номли ширкат хўжалиги раиси Султонбек Ҳамидов. — Ҳар бир кўчат борлиқни, табиатни гўзалликка буркайди. Кўнгилларга баҳорий илиқлик, хушкайфият бағишлайди. Биз бу мавсумда 3000 туп кўчат экмоқчимиз.

Ҳа, баҳор нафаси уфуриб турган шу кунларда ҳамма Наврўзга пешвоз чиқаётир. Ўлкамизни янада обод гўшага айлантиришга қаратилган ҳукумат қарори сабаб кўпгина жойларда кўкаламзорлаштириш ҳамда меҳр-мурувват ойлиги эълон қилинди.

Кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳар жиҳатдан самарали ўтказиш бўйича Тошкент вилоятининг Тошкент, Янгийўл, Зангиота, Қибрай туманларида ишчи гуруҳи тузилди. Наврўзолди шанбалигида ушбу туманларда бир юз саксон миллион сўм атрофида маблағ ишлаб топиш кўзда тутилган.

Маъмуржон ҚИЁМОВ



Наврўз — яшариш, янгиланиш байрами. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Наврўз» байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ва санъат, маданият муассасаларида умумхалқ «Наврўз» байрамини ўтказиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди вазир биринчи ўринбосари Пўлат Айтмуратов. — Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги қарор асосида белгиланган ишларни бошлаб юбордик. Тошкент шаҳрида ўтказиладиган умумхалқ «Наврўз» байрамида 80 кишилик «Айқулаш» қорақалпоқ миллий рақс дастаси раққосалари-ю, қўшиқчилари қатнашади.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби З.Холмуратов талқинига хос «Маҳалламда — Наврўз» мусиқий-хореографик композицияда асосан қорақалпоқ миллий санъати ифодаланган. Шунингдек, Бердақ номли Қорақалпоқ давлат мусиқали театр балет гуруҳининг тайёргарлиги ҳам қизғин.

Нукусда нишонланадиган байрамга вазирлик тасарруфидаги театр-концерт ташкилотлари ва ўрта махсус ўқув даргоҳларидан ижодий гуруҳлар тузилди. Янги асарлар учун кўрик-танлов ўтказилмоқда.

Байрам концерти очиқ саҳнада уюштирилади. Айни пайтда «Обод маҳалла йили»га бағишланган куй-қўшиқлар, ёшлик, муҳаббат, баҳорга оид чиқишлар уйғунлашади. Хусусан, «Маҳалламда — Наврўз» мусиқий-хореография композициясида баҳор, болалар спорти, дўстлик ришталари мужассам.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мамлакатимизга қизиқиш катта

Бельгиянинг Эно вилоятида Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда вилоят жамоатчилиги, сиёсий ва иқтисодий доиралари вакиллари, мамлакатимизнинг Брюссельдаги элчихонаси ходимлари ҳамда шу кунларда Бельгия университетлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги делегацияси аъзолари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Мишель Тромон бу каби тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Бельгия қироллиги ўртасида ўзаро манфаатли ва тенгликка асосланган ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, шунингдек Эно вилояти билан маданий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишига асос бўлажагини таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари тадбир қатнашчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар жараёни, умуминсоний қадриятлар асосида барпо этилаётган фуқаролик жамияти хусусида сўзлаб бердилар.

Кўргазма давомида бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида мамлакатимиз билан Эно вилояти ўртасида савдо, маданият, таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари катта экани таъкидланди.

Эно вилояти Франциянинг машҳур Версаль саройини безашда кенг қўлланилган қора мармар ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда турли хил мармар конларининг бисёрлиги ушбу соҳадаги ҳамкорлик истиқболли эканини кўрсатади.

Эноликларнинг мамлакатимизга бўлган бениҳоя қизиқиши маҳаллий «Гулливер» сайёҳлик агентлиги томонидан жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига иккита сайёҳлар гуруҳининг юборилаётганлигида ҳам намоён бўлади.

«Жаҳон» АА

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?

Бу мақол тулкининг тилидан айтилган. Тулки ёғга ўч бўлади. Ўтмишдаги овчилар уни тутиш учун қопқонни тупроққа кўмиб, устига бир парча думба ёғи қўйиб қўярдилар. Тулки уни ейман деб келиб, қопқонга илинарди. Аммо, ҳамма тулкилар ҳам осонликча қўлга тушавермасди. Чунки, тулки ёввойи ҳайвонлар орасида энг сезгири, айёри ва ҳушёридир. Мазкур мақол шунинг натижасида юзага келган бўлиб, мажозий маънода одамларни сезгир, ҳушёр бўлишга ундайди. Вар.: «Бозордаги ботмон қуйруқ, Тарозига тортган қуйруқ, Бир балоси бўлмаса, нега шудгорда ётган қуйруқ».

Анқов бўлган кишининг, мазаси йўқ ишининг

Бу мақолда анқов, ялқов, овсар, телба, тентак, девона одамлар устидан кулинади: «Анқов англамас, Ханги тингламас»; «Анқов остидаги отини олти ой излабди»; «Анқовга қирғовул қайда?»; «Ер юзини баҳмал олса ҳам анқовга такялик тегмайди (такя — ёстиқ)»; «Анқов, анқовнинг ўртоғи — ялқов»; «Ялқов билан анқов — душман учун ўнғай ов»; «Анқов ўйин бузар, Тентак йиғин бузар»; «Ўта овсар — бўйига ўсар»; «Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эплай олмас»; «Тентакнинг тиними бўлмас, ишининг унуми бўлмас»; «Тентакнинг ишини тангри ўнгласин»; «Девонанинг ишини худо ўнглар» (бу кейинги икки мақолни ишни билмай, таваккалига, пала-партишлик билан қилувчи одамларга нисбатан қўллайдилар).

Олий лигага йўлланма

● ШОҲМОТ

Пойтахтимиздаги марказий шоҳмот клубида Ўзбекистон чемпионати биринчи лига мусобақалари ниҳоясига етди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 53 нафар шоҳмотчи олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланма учун кураш олиб бордилар.

— Бир пайтлар Ўзбекистон чемпионатида иштирокчилар сони сунъий равишда чеклаб қўйиларди, — дейди биз билан суҳбатда Республика шоҳмот федерацияси ижрочи директори Акром Тошхўжаев. — Сўнгги йилларда федерация янги номларни кашф этиш, иқтидорли шоҳмотчиларни аниқлашнинг ўзига хос йўлини топди. Биринчи лига мусобақаларида шоҳмотчилар сони ва улар ёшини чеклаш бартараф этилди. Натижада чемпионат савияси ошди. Шоҳмот оламига эндигина қадам қўяётган ёшларнинг ҳам бемалол кучлилар билан баҳс юритишлари учун имкониятлар яратилди.

Агар бу йилги биринчи лига мусобақаларини таҳлил қилсак, иштирокчиларнинг етмиш-етмиш беш фоизини мактаб ўқувчилари ташкил этди. Қизлар баҳсида дастлабки кучли йигирмаликни ҳам айнан шулар эгаллашди. Эътиборлиси, швейцарча тизимда 9 тур давом этган биринчиликда биринчи ўрин 7,5 очко тўплаган мактаб ўқувчиси чироқчилик Сарвиноз Эргашевага насиб этди. Олий лигага бериладиган иккинчи йўлланмага эса бир йўла икки шоҳмотчи — Юлдуз Ҳамроқулова (Жиззах) ва Вера Дольженкова (Тошкент)лар даъвогарлик қилишди. Мусобақа якунида бир хил — 7 тадан очко жамғарган бу қатнашчилар ўртасида тай-брек ўтказилди. Икки партиядан иборат ҳал қилувчи баҳсда Юлдуз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 2:0. Энди ғолиблар Сарвиноз Эргашева ҳамда Юлдуз Ҳамроқуловалар шу йил май ойида Наманганда аёллар ўртасида ўтадиган олий лига мусобақасида дона сурадилар.



Эркаклар ўртасидаги баҳслар ҳам ниҳоятда муросасиз ва кескин кечди. Швейцарча тизимда ўн бир тур давом этган мусобақа ниҳоясида бир йўла беш шоҳмотчи бир хил имкониятга эга бўлди — 8,5 тадан очко. Натижада олий лигага бериладиган уч йўлланма соҳибларини аниқлаш учун мусобақа низомига кўра, тай-брек учрашувлари уюштирилди. Унда Фахриддин Сатторов (Бухоро), Виктор Манин (Фарғона), Собир Умаров (Сирдарё), Дамир Ҳуснитдинов, Леонид Козак (иккаласи ҳам Тошкент вилоятидан)лар ўзаро дона суришди. Ҳал қилувчи кичик турнирда 3 тадан очко тўплаган Собир Умаров ҳамда Виктор Манинлар кучлилар сафига қўшилишди. Учинчи йўлланма соҳиби эса мусобақада бир хил натижани қайд қилган Фахриддин Сатторов, Леонид Козакларнинг яна олти кундан кейин ўзаро ўтадиган тўрт партияли баҳсидан сўнг аниқланадиган бўлди. Ҳал қилувчи ушбу учрашув Тошкентда ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО

✧ ✧ ✧

Суратларда: қизлар ўртасидаги мусобақа ғолиби Сарвиноз Эргашева; халқаро тоифадаги спорт устаси термизлик Акбар Алибоев.

Темир Майк ғалабаси



АҚШнинг Мемфис шаҳридаги «Пирамид Арена» саройида ўтказилган Майк Тайсон билан Клиффорд Этьен ўртасидаги учрашув узоқ давом этмаган бўлса-да, лекин мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Тайсон кетма-кет ҳужумлардан кейин чап қўли билан рақибининг чакагига кучли зарба бериб, нокаутга учратди. Бу учрашувнинг 1-раунд 49-сониясида юз берди.

Умуман, учрашув Тайсоннинг айби билан қолдирилиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқалганди. Гап шундаки, Майк шамоллаб, ўзини нохуш ҳис этаётгани ҳақида шикоят қилиб юрганди. Лекин мазкур учрашувга 3 кун қолганда Тайсон жангга тайёр экани ҳақида баёнот берди.

Шундай қилиб, «Темир Майк» жаҳон чемпиони номи учун Леннокс Льюис билан такрорий учрашув ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Маълумки, Тайсон бултур ёзда Льюисга имкониятни бой бериб қўйганди.

● ИНТЕР-СПОРТ

Маратни доғда қолдириб

Роттердамда ўтказилаётган World Indoor Tournament мусобақасида россиялик таниқли теннисчи Евгений Кафельников чорак финалда белорус Максим Мирный билан учрашадиган бўлди. Евгений ҳамюрти Марат Сафин билан учрашувда 4:6, 7:6, 6:4 ҳисобида устун келгандан кейин шунга эришди. Кафельников Максим билан шу пайтгача бор-йўғи 6 марта учрашиб, 4 марта ғалаба қозонган. Бу ёғини эса вақт кўрсатади.

Ҳакамни калтаклаб кетишди

Москвада таниқли футбол ҳаками Сергей Хусаиновни калтаклаб кетишди. Бу воқеа ҳакам ўз машинаси билан 4-Паркова кўчасидаги уйига яқинлашганда юз берди. Номаълум кимса бейсбол таёғи билан уни калтаклаб, унга тан жароҳати етказди. Ҳайтовур унинг ҳаёти хавф остида эмас.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ходимлари ҳамда вилоятлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекциялари ходимлари, Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

Ҳомиджон Муҳторович ҚОСИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 4 март, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 066
16275 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA